R 496
2007/4




Guliston

2007/4

Фотомухбиримиз Шавкат ҚАҲҲОР ижодидан намуналар.















МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ

Тарихдан маълумки, ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий "Қиссаси Рабғузий" номли китобида бу тўғрида қизиқ маълумотлар келтиради. "... араб ва ажамнинг отаси Сом турур, Хомни Ҳиндистонға изди. Сомни араб ва ажам вилоятинға изди. Ёфасни Туркистон вилоятиға изди. Қамуғ турклар Ёфас уруғи турур. Ул йўлдин турклар азиз ва мукаррам бўлдилар" деб ёзади. Ёфас — Нуҳ алайҳиссаломнинг учинчи ўғли. Учинчи ўғил саодатмандлиги боис турклар юксак мақомга эришган эканлар, туркнинг бир бўғини сифатида ўзбекларнинг шону шавкатга эришгани тасодифий ҳол эмас.

Рабғузийнинг ўзи Хоразмнинг Работ ўғуз деган жойида туғилиб ўсган. Қадимий йилномаларни варақлаб кўрсак, биз яшаётган ҳудуд турли номларда қайд этилганига гувоҳ бўламиз. Не бўлишидан қатъий назар аждодларимиз туғилиб ўсган юртларини ҳамиша устувор кўришган, жаннатга қиёслаб таърифлаганлар.

Она Ватанга меҳру муҳаббат бизга донишманд аждодларимиздан мерос қолган.

Жаҳон харитасига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон кичиккина жойни ишғол этиб турибди. Лекин юртимизда камолга етган шахсларнинг довруғи етти иқлимга етган. Хусусан, хоразмшоҳлар сулоласи, темурийлар, бобурийлар бир вақтларда жаҳон тақдирини белгилаб беришгани ҳам бор гап.

1991 йилнинг 31 августида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигини эълон этган пайтда кўпчиликнинг кўнглидан эндиги ҳаётимиз қандай кечади, қабилидаги савол ўтгани сир эмас. Боиси, узоқ йиллар мобайнида барча «иттифоқдош республикалар» бир-бирига ўта устамонлик билан боғланиб ташланган эди. Ана ўша ҳадик-хавотир Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ асоссиз экани ўз исботини топди. Мамлакат ўзининг сиёсий йўлини аниқ-равшан белгилаб олди. Хусусий мулкчиликка йўл очилди. Одамларнинг шахсий ташаббуслари туфайли бозор иқтисоди системаси амалиётга кўчди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг келажаги буюк бўлишига шак-шубҳа қолмади.

Айни замонда тараққиёт мезонини белгиловчи шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгарганига гувоҳ бўлиб ту-





Guliston

ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, безакли журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:

Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД
Хуршид ДАВРОН
Ўткир ЖЎРАЕВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Гулистон МАТЁҚУБОВА
Сувон НАЖБИДДИНОВ
Абдулла ОРИПОВ
Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Азамат ҲАЙДАРОВ

Бўлим муҳаррирлари:

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Фотомухбир

Шавкат ҚАҲҲОР

Саҳифалаш ва дизайн

Нодирбек АҲМЕДОВ
Нигина ҚОДИРОВА

Навбатчи муҳаррир

А. РАҲИМҚУЛОВ.

Ушбу сонда:

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Ғарбдан Шарққа Буюк ипак йўлидан

Абдулла САФОЕВ
Ҳофиз саховати

Боқижон ТЎХЛИЕВ
Нима дер, эшитгин, ўғилжик киши

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ўқитувчига методик ёрдам

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА
Унрашув

Босишга 17.08.2007 йилда топширилди. Офсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8. Ҳажми 6,0. Адади: 2407

Буюртма № 108

Таҳририят манзили: Тошкент — 700029, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90. Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан рўйхатга олинган

Муқовамизда:

***1-бет:** Мустақил Ўзбекистон 16 ёшда. **2-бет:** Тошкент — Ислом Маданияти пойтахти.*

рибмиз. Тасаввур қилиб кўринг: мўқсонинчи йилларда Тошкентнинг кўриниши қандай эди? Пастқам, хом ғиштдан тикланган уйлар бугун қолмади ҳисоб. Замонавий типда қурилган бинолар одамга тенгсиз ҳайрат бахш этади.

Тараққиётдаги юксалишлар биринчи навбатда ёш авлод онг даражасига таъсир ўтказди. Бугунги ёшларимиз жаҳоннинг илғор юртларидаги тенгдошлари билан тенг шароитга эгадирлар. Уларнинг аксарияти инглиз тилини билади, компьютер техникасини мукаммал ўзлаштиришган. Энг аввало, ҳунарга қизиқувчан ёшлар ҳисобланишади. Хуллас, ҳеч кимдан кам эмасликлари ва ҳеч кимдан кам бўлмасликларини намоён этишмоқда.

Қайси соҳани олиб қарамайлик, мисли сиз тараққиётни кўрамиз. Хусусан, маданият, спорт тармоғида эришилган муваффақиятлар кўламдордир. Ҳозирги вақтда эстрада хонандалари, мусиқачилар, рассомлар, ёзувчи ва шоирларимизни дунёнинг кўпгина мамлакатларида билишади. Шахмат бўйича Рустам Қосимжонов Жаҳон чемпиони тожини кийганида, Руслан Чагаев профессионал бокснинг супероғир вазнида қирол сифатида тан олинганида дунё ўзбекнинг кимлигини яна бир карра билди.

Серқуёш Ўзбекистонимиз Марказий Осиёнинг энг илғор мамлакати сифатида жаҳонга юз тутмоқда. Бу борада дунё мамлакатлари билан иқтисодий, маънавий алоқалар кўлами диққатга сазовор.

Ривожланиш йўлини тутган мамлакат учун устувор



хусусият нималардан иборат бўлади? Бу саволга улуғ адибимиз Абдурауф Фитрат ўз замонида, тараққиёт сабабчиси — илм, дея жавоб қайтарган эди. Жумладан, "Мунозара" асарида ёзган эдики: "Абу Али ва Форобий каби комил фарзандларни етиштириб, бундай кимсасиз ва қора кунда ўтирган шўрлик Бухоро, бегоналарнинг шуҳрати, илму фазилати ноғорасининг шовқинини шарофат деб кўтариб юришга мажбур бўлдингки, бу жаҳолат фалокат поясига етиб қолганингдандир... бечора Бухоро! ... Илм мулк-мамлакат ободлигининг сабабчисидир. Илм миллат тараққийсининг боисидир".

Фитрат миллатнинг тараққийсини илмда кўради. "Илмдирки, бир сиқим инглиз ороли эгаларини Ҳинд, Миср, Булижистон (Афғонистон ва Покистон ўртасидаги жуғрофий ҳудуд. — Б.) ва Арабистоннинг бир қисмига фармон раво қилган" деб ёзади у. Мазкур мантиқни ўтмишимизнинг ўзи исботлаб қўйган: Россия илмда устиворлик касб этгани боис жаҳоннинг тараққиётда илғор мамлакатига айлангани, бошқа ёндош юртларга таъсир ўтказгани айни ҳақиқатдир.

Илм тараққиёт манбаи саналаркан, миллат ўз болаларини ёшлик чоғлариданоқ илмга рағбатли қилиб ўстирмоғи жоиз. Энг аввало оила муҳитида илм қадрланиши лозим.

Хўш, илм устиворлиги учун нима қилмоғимиз даркор?

Аксари ўзбек оилалари фарзанди вояга етиши биланоқ ўғил бўлса уйлантириб, қиз бўлса турмушга бериб, уйли-жойли қилишга интилади. Кундалик ҳаражатлардан иқтисод қилиб, гоҳида қарз олиб дабдабали тўй қилишни ниятлайди. Қўни-қўшнидан, дўст-ёрондан орқада қолмай, дейди. Пировардида, ота-онанинг топган-тутканлари бир-икки тўй орқасида ниҳоясига етади.

Бироқ, ота-онанинг асосий вазифаси — болада илмга нисбатан рағбат уйғотишдир. Болани эркатой қилиб ўстириш амали нафақат оилага, балки жамиятга ҳам зиён етказади. Шунинг учун ҳам инсон ўсмирлик вақтлариданоқ мустақил шахс сифатида шакллантирилиши жоиз. Бунда биринчи навбатда тарбияга эҳтиёж сезилади.

Жадидлар жамият равнақини мактаб таҳсилига боғлаган эдилар. Чўлпон қаҳрамони дейдики: "... Ибтидоий тарбияни рус мактабларидан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларда бериш керак. Илгари ҳиссини ўстириб, ўз миллатини танигандан кейин рус мактабига бериш керакки, ҳунарга, ихтисосга тегишли илмларни ўқисин... Ундан кейин Германия, Франция, Англия мамлакатларига, ҳатто дунё-нинг нариги чеккасидаги Америкага юбориб ўқитиш керак..." ("Кеча ва кундуз" романидан).

Абдурауф Фитрат "Мунозара"сида шу мавзуга яқин мулоҳазаларни ўртага ташлайди. "... сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо илмини ўқитингиз, чунки бегоналар тижорат илмидан хабардор, сиз эса бехабарсиз" деб ёзади у. Шу ўринда адиб тижорат масаласини янада чуқурлаштиради. "Яна бошқа бир масала ҳам борки, буни ҳам арз этсам: тижоратдан мақсад — бойлик орттиришдир (яъни пул топиш). Аммо сарватин (бойлик — Б.) қўлга киритишнинг йўли фақатгина тижорат эмас. Бунинг жуда кўп йўллари бор бўлиб, тижорат шулардан биридир. Бошқа йўл: "иҳрож саноати", яъни ер ости бойликларини чиқариб олиш ва "аъмол саноати", яъни ускуналар фабрика ва зовудлар яратишдир".

Жадид ёзувчилари таъкидлаганларидай, бизнинг ер ости, ер усти бойликларимиз ҳеч бир мамлакатникидан кам эмас, балки баъзи давлатларникидан ортиқроқдир. Масалан, олтин заҳиралари бўйича Ўзбекистон дунёда олдинги ўринларда туради. Бундан ташқари бошқа рангли маъданлар заҳираси ҳам беҳисоб. Мамлакатимиз географик жиҳатдан деҳқончиликка ўта қулай минтақада жойлашган. Ана ўша ресурслар ҳисобга олинса, Ўзбекистон келажаги буюк давлат, деган сўз шунчаки айтилмаганлиги аён бўлади.

Тан олиш жоизки, кейинги эллик-олтмиш йил мобайнида Европа, Америка давлатлари ҳар жабҳада ниҳоятда илгарилаб кетишди. Лекин ўша супердавлатларда яшайдиган кишиларнинг бизга ҳавас қиладиган томонлари ҳам бор эканки, бу ахлоқий маданият билан изоҳланади. Европа ва Америка ахлоқий эркинликни танлаган. Шу сабабдан оила мустаҳкамлиги, ҳаё, ибо масалаларида кўпгина муаммолар ўртага чиқмоқда. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, европаликларнинг айниқса, ўзбек қизлари иффатига қизиқаётганини, таҳсин ўқиётганлигини тушунмоқ мумкин.

Дунё ҳеч қачон бир ўзанда оқмаган. Суст тараққий этган мамлакатларнинг бирданига ривожланиб кетгани йилномалардан маълум. Хусусан, кейинги 16 йил мобайнида амалга кўчган ривожланиш даражасини кўз ўнгимизга келтирсак, серқуёш Ўзбекистонимиз жаҳоннинг илғор мамлакатлари сафига қўшилиб бораётганидан фахрланамиз. Бу илм ҳикматига, фаолият ҳақиқатига боғлиқдир. Зотан, мустақиллик йўли тўғри танланган экан, бундан буёғига ҳар йилдан ҳайратбахш мўъжизалар кутишга ҳақлимиз.

БАҲРЎЗ



ҒАРБДАН ШАРҚҚА БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАН



Шарқ ва ғарб минтақаларида яшовчи халқлар ўртасида савдо-сотиқ ва борди-келди алоқалари жуда қадимдан бошланган. Икки иқлимни бир-бири билан боғлаб келган Буюк ипак йўлининг тарихий шуҳрати ҳам бунга жонли гувоҳдир.

Тарихга мурожаат қилайлик. Эрамиздан олдинги V — IV асрларда қадим Юнонистонда шоҳ Филипп II (эр.ав. 382-336) ва унинг ўғли Александр Македонский (эр.ав. 356-323) барпо этган қудратли империя ўз сарҳадини кенгайтириш мақсадида Шарққа юриш қилиб, то Ҳиндистон қадар борувчи карвон йўлларини очишди. Юнонлар Марказий Осиёни ишғол қилганларида ерли халқларнинг бой тарихи, урф-одатлари ва илму амалларига дуч келдилар. Улардаги маъқул жиҳатларни ўзлаштиришга ҳаракат қилдилар. Ҳатто саркарда Александр Македонскийнинг ўзи зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"дан бир қатор бобларни таржима қилдириб олгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ундан юз йил олдин эса машҳур юнон тарихчиси Ҳеродот (эр.ав. 490-450) ўзининг "Тарих" китобида қадимги турони замин баҳодири алп Эр тўнға (Афросиёб) ва массагетлар маликаси Тўмарис ҳақидаги ҳикоятларга кенг ўрин берган эди. Ёки эрамиздан олдинги VII-VI асрларда битилган Ҳомернинг "Иллиада" ва Зардўштнинг "Авесто" китобларида тасвирланган оташ худолари Зевс ва Ахурамазда ёҳуд "Одиссея" даги паҳлавон Одиссей билан "Алпомиш" даги Алпомиш баҳодир сийратлари ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар ғарб ва шарқ халқлари ўтмишида бир-бирига вобаста шаклланган воқеликлар андозаси эмасмикан?

Эрамизнинг VII — VIII асрларида арабларнинг Марказий Осиёни босиб олишлари, то Европанинг қоқ ўртаси (Испаниянинг Андалусия вилоятига қадар — М.Х.) гача етиб бориб, ерли халқларга ислом дини ва ислом маданиятини сингдиришлари ҳам Буюк ипак йўли сарҳадларининг кенгайишига шарқ ва ғарб мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ, дипломатик ва маданий алоқаларнинг кейинги равнақига кенг имкон яратди.

IX•— XII асрларда шарқда шаклланган ислом цивилизацияси (шарқ ренессанси — М.Х) даврида Марказий Осиё ҳудудида етишиб чиққан ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Ибн Сино, ал-Беруний каби буюк алломалар ҳам қадимги Юнон ва Рим фалсафаси, фалакиёт, тиббиёт, фиқҳ ва адабиёт илмларини муфассал ўрганишган, ўз асарларида икки иқлим илмини вобаста талқин этиб, бой назарий ва амалий кашфиётлар яратишган. Бу кашфиётлар кейинчалик араб тилидан лотинчага ўгирилиб бутун Европага тарқалган. Ғарб ренессанси (XIV — XVII асрлар) даврида фалсафа, фалакиёт, тиббиёт, математика, ҳуқуқ ва адабиёт илмларининг ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

XIII — XIV асрларда майдонга чиққан мўғул хонлиги Хитойдан то Польшага қадар катта ҳудудда ўз ҳукмини ўтказган эди. Улар ҳукмронлиги даврида Буюк ипак йўлининг мавқеи янада ошди, сарҳадлари кенгайди. ғарб қироллигидан мўғул хонлиги ва унинг пойтахти Қорақурум, ундан ўтиб то Ҳонбалиққа (Пекин — М.Х.) қадар карвон йўллари орқали элчилар, савдогарлар, миссионерлар оқиб кела бошлаганлар. Сабаби, ғарб қироллари мақсади ҳар қандай шароитда мўғул хонлиги билан алоқалар ўрнатиш, келишув битимлари тузиб, уларнинг ғарбий Европага юришини тўхтатиб қолиш эди.

Дастлаб XIII асрнинг биринчи ярмида мўғул хонлиги билан дипломатик алоқалар ўрнатишга Рим папаси Иннокентий IV (1195-1254) ва Франция қироли Людовик IX (авлиё Людовик 1226-1270) зўр бериб ҳаракат қилишган. Мўғул хонлигига йўл олган биринчи элчи — папа Иннокентий IV йўллаган монах Плано Карпини 1245 йилнинг 16 апрелида Франциянинг Лион шаҳридан йўлга чиқади ва Алп тоғларидан ошиб рус ерлари орқали Волга бўйига етиб келади. У Сарой шаҳрида хон Боту ҳузурида ҳозир бўлиб, ўз хўжасининг ёрлиғини унга топширади.

Плано Карпини хон Ботунинг ёрлиғи билан мўғул хонлиги пойтахти Қорақурум шаҳригача етиб боради ва папа Иннокентий IV нинг Қуюқ хонга аталган ёрлиғини тақдим этади. 1247 йилнинг 9 июнида ватанига қайтиб келган монах Плано Карпини папа Иннокентий IV га мўғул хонлиги, унда яшаётган халқларнинг турмуш шароити, диний мазҳаблари, этник таркиби ва тил хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи ўз ҳисоботини топширади. Плано Карпининг ушбу кундалиги кейинчалик "Мўғуллар тарихи" (Plan Carpin. Histoire des Mongolos—Paris, 1965) номи билан нашр этилди. Плано Карпини изидан 1245 йилда Франциянинг Лион шаҳрида йўлга чиққан Аскелин де Лонжюмо экспедицияси муваффақиятсиз якунланади. Аскелин де Лонжюмо 1249 йил қирол Людовик IX ёрлиғи билан Мўғул хонлиги сари иккинчи марта йўлга чиқади. Лонжюмо бу сафар Мўғул хонлиги пойтахти Қорақурумгача етиб боради ва Мунке хон ҳузурида бўлиб, 1251 йилда ватани Францияга қайтиб келади. Афсус, Аскелин де Лонжюмо саёҳати тафсилотларини баён этувчи ҳисобот кундалиги то бизгача сақланиб қолинмаган.

Ғарбдан шарққа, Буюк ипак йўли бўйлаб Мўғул хонлиги салтанатига сафар қилганлардан яна бир Франция қироли Людовик IX элчиси Гийом де Рубрук (Guillaume de Rubrouck) бўлиб, у ёзиб қолдирган "Шарқ мамлакатларига саёҳат кундалиги" ("Histoire de voyage aux pays orientaux") китоби бизгача етиб келган. Мазкур китоб қўлёзмаси ҳозирда Кэмбриж университетининг кутубхонасида сақланмоқда. Лотин тилидаги қўлёзма илк бор 1598 йил "Гийом де Рубрук кундалиги" (The journey of William of Rubruck) номи билан Лондонда китоб ҳолида нашр қилинган. Ушбу китоб 1625 йилда инглиз, 1624 йилда француз ва 1911 йилда рус тилига ўгирилиб чоп этилган. Рубрук китобининг бугунги кунда Европа тилларига ўгирилган 15 та нашри мавжуд бўлиб, у ҳамон жаҳон илмий жамоатчилиги назаридан тушган эмас. Китобнинг энг охирги мукаммал нашри 1993 йилда Парижда чоп қилинди.

Қирол Людовик IX Гийом де Рубрукни ёрлиқ билан элчи сифатида Мунке хон ҳузурига йўллар экан, аслида бундан уч мақсадни: мўғуллар ишғол қилган юртларнинг жуғрофий ҳолати ҳақида маълумот олиш, ғарб томон юриш қилиб келаётган мўғуллар билан тинчлик сулҳи тузиш, улар ишғол қилган ҳудудларда яшайдиган христиан динидаги халқлар тақдиридан воқиф бўлиш ҳамда уларни ҳимоялашни кўзлаган эди.

Гийом де Рубрук ўз ҳамроҳлари билан Орол денгизининг шимолидан ўтиб, Сирдарё ёқалаб юради ва Киншат (Бишкек) орқали даштга чиқади. Ниҳоят, 1253 йил 27 декабрда Мунке хон қароргоҳига етиб келиб, хон қабулида унга ўз қироли Людовик IX нинг ёрлиғини топширишга муваффақ бўлади.

Монах Гийом де Рубрук ўз даврининг ўқимишли, жуғрофия, этнография, тарих ва филология соҳасида кенг билимга эга бўлган кишиси эди. Бу билимлар мажмуаси унга ўз саёҳати таассуротларини сермазмун китоб ҳолига келтиришда қўл келган.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, италиялик сайёҳлар ҳам Мўғул хонлигига саёҳат қилганлар. Улар орасида Венеция қироллиги фуқаролари — тоға-жиян Никола ва Маффео Пололар саёҳати жуғрофия илми тарихида муҳим аҳамият касб этади. 1260 йилда Константинопол (Истамбул) дан йўлга чиққан тоға-жиян Пололар 1266 йилда Хитой ерларигача борганлар. Ўз акаси ва амакиси билан бу саёҳатда иштирок этган ёш Марко Поло (1254-1324) 1271 йилнинг май ойида мустақил йўлга чиқади ва Хитойга боргач, у ерда 17 йил муқим яшаб қолади. Сўнг денгиз йўллари орқали ватани Италияга қайтиб келади.

Марко Поло отаси ва амакиси билан қилган биринчи саёҳати ҳамда ўзининг иккинчи саёҳати давомида кўрган-кечирганларини 1298 йилда котибларга айтиб ёздиради. Унинг "Китоб" деб номланган ушбу йўл хотираларида тасвирланишича тоға-жиян Пололар Константинополдан йўлга чиқиб, Қримдан Дон дарёси томон юрганлар ва Волгани кечиб ўтиб, Уралнинг шимолигача боришган, сўнгра орқага қайтиб Орол денгизи қирғоқларига етиб келишган. Оролнинг жанубидан юришиб Амударёни кечиб ўтганлар ва Хоразм ерлари орқали Бухоро ҳамда Самарқанд шаҳарларида бўлишган, сўнгра Қашқар орқали Хитойга ўтганлар. Марко Поло иккинчи саёҳатини янги карвон йўллари йўналишида давом эттиради. "Китоб" да Поло биринчи саёҳати даврида ўзи кўрган Мар-

казий Осиёдаги йирик шаҳарларга қисқача таъриф келтириб ўтади. Биз унда Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тавсифини ҳам ўқиймиз.

Марко Поло "Китоб"и, Гийом де Рубрукнинг "Шарқ мамлакатларига саёҳат кундалиги" ва Плано Карпининининг "Мўғуллар тарихи" китоблари илман ҳам, тарихан ҳам бой маълумотлар бергувчи, бугунда ҳам аҳамиятга молик бўлган манбалардан ҳисобланади.

XII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмига қадар Венециядан Марказий Осиё бўйлаб то Хитой ва Ҳиндистон қадар чўзилган Буюк ипак йўли (манбаларда қайд этилишича, у тўрт йўналишда бўлган) орқали европалик элчилар, сайёҳлар ва монахлар Мўғул хонлигига қарам шаҳарларда қўним топганлар. Ҳатто улардан венгриялик Иоханн д-Ангри Бошқирдистонда, Журдон Катала ва Одорик де Перденон Эронда, Перегрино де Кастелло ва Монте Сорвино Хитойда, Жан де Кори Султонияда, Томас Монкароло Самарқандда қурилган христиан черковларида епископлик лавозимларини эгаллашиб, насронийлик динини тарғиб ва ташвиқ қилганлар.

Хуллас, XIII — XIV асрларда, яъни Мўғуллар истилоси даврида европаликлар Крит ва Рус ерларидан то Қорақурум ва Хонбалиқ (Пекин) га қадар бўлган катта ҳудудларда бемалол борди-келди алоқалари қилишган, элчилик миссияларини бажаришган, жойларда христиан черковлари қуришган. Ачинарли томони шундаки, гарчи мўғул босқинчилари IX — XII асрларда Шарқ ренессанси гултожи бўлган Марказий Осиё шаҳарларини вайроналарга айлантириб, мавжуд бойликларни талон-тарож қилган бўлсалар, ғарбдан келган миссионерлар шарқ алломалари яратган қомусий асарларни ўз юртларига ташиб кетганлар. Айнан шу даврда ғарбликлар тарафидан олиб кетилган нодир қўлёзмалар Мадрид, Париж, Лондон, Константинопол ва Лион кутубхоналаридан жой олган. Таниқли француз шарқшуноси Жан Поль Рунинг таъкидлашича, ҳозир Лион шаҳри кутубхонасида 250 та туркий, форсий ва араб тилларида битилган нодир қўлёзмалар сақланиб келинади. (Jean-Paul Roux. Les explorateurs au Moyan Age — Paris, 1988-304p).

XIV асрнинг 50-йилларига келиб салжуқийлар ерида усмонли турк салтанатининг майдонга чиқиши ва туркларнинг Европа томон зафарли юришлари ғарбдан шарққа карвон йўллари бўйлаб келаётган миссионерлар йўлини тўсиб қўйган бўлса, ўша асрнинг 70-йилларида Марказий Осиёда юзага келган Соҳибқирон Амир Темурнинг қудратли давлати Мўғул хонлигига узил-кесил зарба бериб, Марказий Осиё ва Шарқий Европа халқларини улар истилосидан халос этди.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори, профессор.



САБЗИНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сабзи Республикамизда етиштириладиган ва кўп истеъмол қилинадиган сабзавотлар турига киради. Сабзининг 10 га яқин тури бўлиб, юртимизда асосан мирзойи, мушак, қизил сабзи кўп истеъмол қилинади.

Сабзининг шифобахш хусусияти унинг ўзида ва сувида, барги ва уруғида ҳисобланади. Сабзи инсоннинг ошқозон (меъда) фаолиятини яхшилашда ва ундаги ортиқча кислотани камайтиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Ота-боболаримиз қадимдан овқатлангандан сўнг маълум вақт ўтгач, жигилдон қайнаб, "зарда" қилса, бир-иккита сабзини арчиб еганлар. Гўдакларнинг ошқозон фаолияти бузилганда ҳазм қилиш заифлашади. Болага сабзи суви берилса, аҳволи яхшиланади. Бунинг учун 2-3 та қизил сабзини қириб, сувини докадан ўтказиб, ҳар куни 2-3 қошиқдан берилса, боланинг ошқозонидаги кислота мўътадил ҳолга келади ва ошқозон иш қобилиятини яхшилайди. Шу билан бирга боланинг тез ривожланишига яхши ёрдам беради.

Сабзи инсон танасига қувват бериш хусусиятига ҳам эгадир. Кўп қон йўқотиб ёки узоқ хасталикдан сўнг камқувват бўлиб қолган кишилар сабзини кўпроқ истеъмол қилсалар, тезда саломатликларини яхшилаб оладилар.

ДОНҒИ ЧИҚҚАН ТАДБИРКОР

Бахмалсой қишлоғи хотин-қизлари қўлигул ва чевар тикувчилар сифатида элга танилган. Улар уй-рўзғор юмушларидан ортиб гилам тўқиш, мунчоқли тақинчоқ, ёстиқ жилдлари, бадиий каштачилик каби халқ ҳунармандчилиги билан машғул бўлиб келишади. Буюмда кўзни қамаштирувчи ипаклар жилоси ва рангларнинг уйғунлашуви кишини ўзига ром этади. Буюмлар хонадонларимизни безаб туришига нима етсин?!

Манзура ҳам қишлоққа келин бўлиб тушгач, қайнонасининг сандиғида тугалланмай қолган сўзана ва бир қанча қадимий нақшларни кўриб, худди йўқотган нарсасини топиб олгандай ҳаяжонга тушиб кетди. Янглиш хола серфарзанд бўлганидан уй-рўзғор ташвишларидан ортиб сўзанани охиригача етказа олмаганди. У келинининг бадиий каштачиликка иштиёқи баланд эканлигини пайқаб, буюмдаги кашталарга мос иплар топишда кўмаклашди.

Келинчак пойтахтдаги «Машҳура» ўқув маркази курсида таҳсил олган эмасми, тикаётган сўзанасининг тайёр қисмини кўздан кечираркан, ёнига ҳавасманд қишлоқ қиз-жувонларининг келганини ҳам пайқамади. Улар ҳам қараб туришмади. Қизларнинг чаққон ва эпчил ҳаракатланаётган бармоқлари бўлғуси сўзанага гўё бутун меҳри, ички дунёси ва эртанги кун орзу-ўйларини қўшиб тикаётгандек эди. Товланиб турган қуёш, зангори осмон ва камалак ранглари матода ўзгача кўринади. Қишлоқда «Манзурага битта сўзана тиктириб олсам, ҳунарини эгалласам», — деганларнинг сон-саноғи йўқ эди.

Манзура уйида халқ ҳунармандчилигига иштиёқманд бўлган ёшларга ҳунар ўргатишдек эзгу ишини давом эттирди. Кўп ўтмай тадбиркор Аъзам ота Сулаймонов икки қаватли замонавий бинони улар ихтиёрига берди. Бора-бора цех саҳни сержило гилам, сўзана, дарпарда, бешикжилд, ўринжилд, келин-куёв либослари каби миллий ҳунармандчилик буюмлари билан тўлиб, шогирдлар сафи чевар тикувчилар ҳисобига кенгайиб борди.

Мана уч йилдирки, Ғаллаорол туман «Самарқанд» фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Манзура Ишматова» кичик корхонаси раҳбари М. Ишматова устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб келаяпти. Эндиликда туманнинг Заргарсой, Кўкгумбаз, Хонақа ва Болғали қишлоқларидаги Гулшан Саримсоқова хонадонида гиламчилик, Дилафруз Ўринбоева хонадонида тикувчилик, Нилуфар Мамаражабова хонадонида бадиий каштачилик курслари ташкил қилиниб, уларга юзлаб ёшлар жалб қилинди. Қизларга бадиий каштачилик, болалар ва аёллар кийими, миллий либослар ҳамда уй-рўзғорда керак бўладиган буюмлар тикиш каби ҳунарларни ўргатишаяпти.

Очиқ кўнгил ва серғайрат тадбиркор ҳунар ўргатишдек эзгу ишларини давом эттираркан, ёшларга турмушда учраб турадиган қийинчиликларни енгиш, бунинг учун қунт ва чидам билан меҳнат қилмоқ лозимлигини ҳам алоҳида уқтириб келади. «Ижтимоий ҳимоя йили»да тадбиркор аёл томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотган ҳамда меҳр-мурувватга муҳтож қарияларга бир миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш турлари 80 тага, ишчи ўринлари сони 42 тага етказилди.

Яқинда кичик корхонага Хитойнинг «Ямата» фирмасидан шартнома асосида 14 та ишлаб чиқариш тикув машинаси, уч хил турдаги оверлок чоклари учун ускуна ҳамда қўшимча 20 та тикув машинаси келтирилди.

— Ҳунар, ҳунардан унар, — дейди кичик корхона раҳбари М. Ишматова. — ёшлар ўзлари ёқтирган ҳунарни севиб эъзозласа, жамиятимиз учун кўпроқ наф келтирса, ҳурмат-эътибори ортиб боради.

«Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги» нишони соҳибаси Манзура Ишматова ўз маҳсулотлари билан ҳар йили вилоят кўрик-танловларида қатнашиб келаяпти. «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг Президент совриниучун ўтказилган республика босқичида қатнашган ишбилармон ўзининг кўп жиҳатдан устун эканлигини кўрсата олди ва энг яхши тадбиркор йўналиши бўйича учинчи ўринни эгаллади. Танлов лауреати бўлиб қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Абдулла САИДОВ

Комилжон Отаниёзовгача Хоразм қўшиқ санъати ўз қобиғида ётарди. Уни Ўзбекистонга ёйган, дунёга машҳур қилган инсоннинг хизматини баҳолашга ожизмиз. Комилжон Отаниёзов ўз даврининг улкан санъаткоридир.

Тамарахоним

Бир одамни минг одам таниса, унда бир хислат борлиги. Комилжон кўп юртларга танилди, ўз она юртини ҳам танитди. Бунинг хислати кўп.

Ҳожихон Болтаев

ҲОФИЗ САХОВАТИ

Буюк инсонлар ҳар эллик, юз йилда бир туғиладилар, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Буюклик — улуғ мақом. Бу мақомга ҳар ким ҳам сазовор бўлавермайди балки, илоҳий мўъжиза туфайли қалби зийнатланган кишилар шундай мартабага эришадилар.

Ана шундай мартабага ноил бўлган кишиларни дарёга ўхшатишади. Дарё суви яшилликларга — тирикликка боис. Мавжи кўнгилларга ором беради. Умуман олганда, дарёлари жўшқин юртнинг руҳи равони баланд бўлади. Бир кунмас бир кун дарё суви адоғига етса-да, мавжи кўнгилларда давом этаверади.

Ўйлаб қарасак, буюкликнинг ўзи ажиб синоат экан. Шундай бахт соҳиблари ҳеч қачон ўлмайдилар — хотираларда яшайдилар. Дучма-дуч келиб қолсангиз ёҳуд дўст тутинсангиз уларнинг ақл зиёси ҳаётингизни ҳам ёритиб туради, сўзлари, ҳаракатлари сизга куч-қувват бахшида қилади.

Биз тенги авлод уч замон воқеаларини обдон билган авлоддир. Ота-боболаримиздан хонлик даври ҳодисаларини эшитганмиз. Умримизнинг катта бўлаги собиқ Шўро даврида кечди. Ва ниҳоят, мустақиллик замонини ҳам кўриб турибмиз. Лекин шундай кунларга етиб келолмаганлар бор. Фидойиларча меҳнати, ақл-заковати, ғайрат-шижоати билан элга хизмат этганларни ҳеч қачон унутмаслик жоиз. Мамлакатимизнинг чекка қишлоғи — Бўйрачида туғилиб, етти иқлимга таниқли ҳофиз бўлиб етишган Комилжон Отаниёзов ана шундай буюк, меҳнаткаш инсонлардан бири эди.

Айтишларича, Комилжон устанинг дунёга келиши қизиқ бўлган. Хива хони саройда бошқа давлатдан келган шоирлар билан беллашув мусобақаси ўтказади. Негадир хивалик шоирлар машқи пастроқ кўринади. Шунда

хон "Отаниёз охун қани, уни тез топинг" дея буйруқ берган. Хон амри — вожиб, қисқа фурсат ичида Отаниёз охунни чопарлар саройга олиб келадилар. Шоша-пиша салласини тузатиб, даврага қўшилаётган шоирни хон "Ютқазсангиз салла ҳам, калла ҳам кетади" деб огоҳлантирган экан. Шунда охун "Худо хоҳласа, калла ҳам, салла ҳам омон қолади" дея жавоб қайтарибди. Қизғин бахслашувда хиваликлар ғалаба қозонган. Бениҳоя шодланган хон Отаниёз охунни ёнига чорлаб аъёнларига "Аржодан парча, очилмағон ғунча" деган. Алалхусус, етмиш ёшидан ошган охунга ўн саккиз яшар Хива гўзали Анбарбика коҳлаб берилади. Ана шу никоҳ меваси сифатида бирин-кетин Фозилжон, Комилжон дунёга келишади.



Кўпгина манбаларда, хусусан, Лаффасий тазкирасида Отаниёз охун етук шоир сифатида мақталади. Уни "Отаниёз охунд Ниёзий" дея таърифлайдилар. Охун назмда, мусиқашуносликда, тарих илмида беназир бўлган. Аввало, Сайид Муҳаммад Раҳимхони соний Феруз марҳаматига сазовор бўлади, қози сифатида ҳам фаолият кўрсатади.

Хоразмда "Қулоққонди" деган ибора ишлатилади. Шунга қиёсан айтганда, ёш Комилжон отаси иштирок этган давраларда қатнашиб, замоннинг илғор шоирлари, олимлари суҳбатидан баҳраманд бўлгани бор гап. Айниқса, унга маърифатпарвар ота кучли таъсир ўтказган.

Комилжон уста болалигиданоқ эслаш қобилияти кучлилиги жиҳатидан алоҳида ажралиб турган. У ҳатто 20-йиллар Хива инқилоб воқеаларини ёдида тиклар эди. "Отам Хива кўчаларида қўлимдан тутиб, бундан сўнг бу ерларда парахатчилик (фароғатчилик) бўлмайди, Шовотга кетамиз" деганлари элас-элас хотирамга келади, дерди у.

Бўлажак ҳофиз ўн бир ёшида отадан етим қолади. Унинг болалик йиллари ниҳоятга оғир замонга тўғри келади.

Мен Комилжон уста билан 1959 йилда Москва шаҳрида шахсан танишганман. Шу йили бу шаҳарда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилди. Ана ўша тадбирга Комилжон Отаниёзов ҳам келган экан. Талабалар ётоқхонасида йиғилган вақтимизда, ҳофиз билан танишув кечаси ўтказсак, у рози бўлармикан, деган таклиф ўртага ташланди. Айниқса, Ўрта Осиё, Кавказорти республикаларидан келиб таҳсил олаётган талаба-ю аспирантлар таклифни қўллаб-қувватладилар. Уч-тўрт кишидан иборат "делегация" тузилиб, шунинг раҳбари сифатида ҳофиз қўнган меҳмонхонага бордим.

Комилжон уста хона эшигига линейка қистириб, намоз ўқиб турган экан. Ибодатини ниҳоялагач, ичкарига кирдик. У қўлларимизни маҳкам ушлаб, ҳар биримиз билан алоҳида танишиб чиқди. Хоразмча талаффузимдан сезди чоғи, "Нердансан, кимни боласисан?" деб сўради. Мен "Тошовузданман, Сапо атикчини ахтиқиман", дедим.

Таклифимизни бажонидил қабул қилди. "Ма, такси тут" деб менга бир пачка пул тутқазди. Уч сўмликмиди, беш сўмликми — ҳозир эслайолмайман. Машина билан келганмиз, деб пулни олмадим. Уста "Ол, олавер. Студентсизлар — пул керак бўлади" деди-да гапларимизга парвоям қилмай пастга тушишга ҳозирланди.

Кейин билсам, Комилжон ака Ҳотамтойдек сахий, молдунёга парвосиз инсон экан. У баланд бўйли, хушсуврат одам эди. Кўзларида кишини оҳанрабодек ўзига тортадиган нур ҳамиша жилва қилиб турарди. Ўта мағрур эди. Ўжар ҳам эди. Лекин гўзаллик қаршисида доимо таъсирланган. Гўзаллик шайдоси эди. Умрининг охиригача шундай бўлиб қолди.

Чорак асрча танишчилигимиз мобайнида устанинг бирор маротаба спиртли ичимлик ичганини кўрмаганман. Уста гарчи салобатли, важоҳатли кўринса-да табиатан ҳазил-мутойибага ўч одам эди. Яқин танишларига қаттиқ ҳазил қилар, ўзи ҳам ҳазилни кўтарар эди. Хоразмда аскияни "Жавоб уришмо" дейдилар. Комилжон уста жавобчиликда маҳоратли бўлган. Тор давраларда аксари жавобчиларни мот қилганлигини биламиз.

Комилжон уста баъзи вақтларда "Арғумоқ остингдадур доғларни газ, чўлларни газ, Ногаҳон ул арғумоқ остингда бўлғой бўлмағой" байтини хиргойи қилар, йигитлик завқ-шавқидан сўз очарди. Суҳбатдошлар чегарадан чиқишса "Ийнди қуйилғойли лекин" (Энди жиддий бўлиш керак, нафсни тийиш керак, маъносида) деб кулимсираб қўярди. Менга ҳам ҳамиша аёл кишининг инжиқ табиатидан сўз очарди. "Оиланг билан бирга бўл. Хотиннинг қадрига ет" дея таъкидлар эди.

Бирор тадбир муносабати билан чақирсак "Уйингди ажинасини қувиб бараман" деб шўх ашулалар айтишни канда қилмасди. Унинг наздида, қўшиқчилик, шеърият, мусиқа, рақс — илоҳий кучга эга. Шуларсиз ҳаётда маъно қолмаган бўлур эди. Комилжон Отаниёзов феъл-атворидаги ана ўша хусусиятни Суҳбат Абдулла "Қўшиқ умри пойиндор" номли китобида акс эттира билган.

Мазкур китобда уста айтган бир нақл келтирилади. Инсон бадани ва жони дастлаб алоҳида-алоҳида экан. Жонга Оллоҳ "Жасадга кир" дебди. Жон жасадга кирмабди. "Нечун жасадга кирмайсан?" — деб сўралибди жондан. У "Қўрқаман" деб жавоб қайтарибди. Шунда "Лазги" куйи чалинибди. Куйга мафтун бўлган жон жасадга кирганини ўзи ҳам сезмасдан қолибди".

Дарҳақиқат, "Лазги" — энг қадимий куйлардан бири. "Лазги" чалинганда одамнинг руҳи роҳатланади. Ҳаёт таш-

вишлари нари чекиниб, роҳат қила бошлайсиз. Тўғрироғи, бу жаннатий куй одамни маст қилади, турмуш икир-чикирлари орадан кўтарилади.

Аксари талантли кишиларнинг оиласи бузилиб кетгани бор гап. Бу биринчи навбатда хонадон бекаси хатти-ҳаракатига боғлиқ. Агар рафиқа эрини тушунмаса, ўринсиз рашк қилса оилага завол бўлади. Комилжон уста бир умр севимли аёли — Имсимбийи билан яшаб ўтди. Қизлари Дилором вафот этганидан сўнг хотинига далда берди. Акаси Фозилжоннинг болаларини (Фозилжон бандаликни бажо келтирганидан сўнг) боқиб, парваришлади. Уларни ўқитди, уйли-жойли қилди.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. 1967 йил. Ҳофизнинг эллик йиллик юбилейи зўр тантана билан нишонланган кезлар. Москвадан келишим биланоқ тўғри устанинг Бешоғочдаги ҳовлисига ўтдим. Уста ойнани қўлига олиб соқол қиртишлаяпти. Ойнага қараб "ёш йигитларга ўхшийманми?" дея мақтаниб қўяди. Орадан гап қочганми — Имсимбийининг кайфияти йўқ, тумтайибгина ўтирибди. Шу пайтда эшик очилиб, қорачадан келган, хушрўйгина аёл бўсағада кўринди. Бир қучоқ гулни ҳофизнинг пойига қўйди. Асаблар ниҳоятда таранг.

Уста менга "Қани, прапессир, торни ол!" дея устунга ишора қилди. Торни қўлига тутқаздим (Ҳофиз ҳазиллашиб мени "прапессир" дерди)

Таранг-турунг қилиб торни созлади-да "Лазги" куйини чала бошлади. Мухлиса ўзини тутолмай рақсга тушиб кетди. У қушдек учиб ўйнар, худди мусиқа қўл ҳаракатларига боғланиб қолгандай эди. Умрим бино бўлиб бундай ўйинни кўрмаганман — тош томоша қилса эрийдигандек. Ниҳоят, Имсимбийининг ҳам юзларига табассум ёйилди.

Эҳтимол, шу йўл билан ҳофиз аёлига санъатнинг кучқувватини намойиш этишга интилгандир? Не бўлса-да шу кунги кайфиятимиз жойига тушди. Суҳбат суҳбатга уланди.

Суҳбат Абдулла ёзади: "60-йилларнинг охири. Онам дунёдан ўтган дастлабки кунлар эди. Одатдагидай, Комилжон ака кириб келдилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб дастурхон ёзилгач, отам Комилжон аканинг ўзи ёзган ва куй басталаган "Дам ғанимат, дийдор ғанимат, дўстлар" радифли мухаммасини куйлаб беришни илтимос қилди. Комилжон ака қўлига торни олиб, куйлай бошлади. Худди шу мухаммаснинг "Умрингни махмурлиги ҳам яхши хонанг билан" деб бошланадиган банди бор эди. Умр, ҳаётнинг бепоён ва теран фалсафасини ўзида мужассам этган, оилавий ҳаёт, эр-хотин иттифоқи куйланадиган бу бандни Комилжон ака негадир айтмасдан ташлаб кетди. Қўшиқ тугагач, отам "Қўшиқнинг битта бешлигини айтмасдан ташлаб кетдингиз" дея Комилжон акага хитоб қилди. Комилжон ака маъюс табассум қилди-да "Сени аядим, кўнглингни вайрон қилишни истамадим... шунинг учун бу бандни куйламасдан ўтдим" деди.

Ҳақиқатан ҳам, Комилжон уста кишининг кўнглига қарайдиган, ниҳоятда фаҳм-фаросатли, донишманд киши эди. Овозини кўтариб гапирмасди, сўкинмасди, таъна-дашном бермасди. Норози бўлган маҳалларида бир ўқрайиб қararди, холос. Ана ўша нигоҳ одамнинг жон-жонидан ўтиб кетар эди. Лекин бундай қарашлар сўз заҳридан афзалроқ туюларди.

Уста камгап одам эди. Гоҳида хаёл суриб, соатлаб жим ўтирарди. Ҳар бир гапини ўйлаб, таъсирли қилиб гапирарди. Буни, ўйиб гапириш, дейдилар. Шу боисдан устанинг кўп гаплари бус-бутунича ёдимда қолган.

Интизомга қатъий риоя қиларди. Репетиция вақтларида ҳеч кимнинг илтимоси-

га қулоқ солмас эди. Эшитишимча, бир гал Отажон Худойшукуров уста репетиция ўтказаётган маҳалда ансамбл иштирокчиси бўлган дўсти учун рухсат сўрашга борибди. Уста Отажоннинг гапини эшитиб, эшитмагандай қабул қилган. Отажон уч марта илтимос қилган. Учинчисида тоқати тоқ бўлиб, устага нисбатан ножоиз сўз ишлатган. Уста ниҳоятда оғриниб, ўқрайиб қараган. Шу қарашни Отажон бир умр унутолмай, афсусланиб ўтди.

Ҳиндистонга ўзбек ёзувчилари, санъаткорлари ташриф буюрган пайтида ҳофизнинг талабчанлиги, интизомга риоя қилиши қўл келган экан. Делегация аъзоларининг аксарияти бозор айлангани кетишгану вақтида қайтиб келишолмаган. Бу ёқда бир стадион томошабин мунтазир. Шу онда хос ҳужрада кутиб ўтирган Комилжон уста делегация раҳбари — Абдулла Қаҳҳорнинг жонига оро кирибди. Токи бошқа санъаткорлар етиб келишганича стадионни "ушлаб турибди".

Бу гап ҳақиқатан ҳам рўй берганми-йўқми менга қоронғу. Эшитганимни ёздим. Лекин Комилжон Отаниёзов миллионлаб томошабинлар олқишига сазовор бўлгани айни ҳақиқат. Унинг бўйнига гулчамбар таққанлар. Бу тўғрида суратлар сўзлайди. Бир суратда Ҳиндистоннинг обрўли кишилари сафида гулчамбар тақкан Комилжон Отаниёзов турибди. Пастда ўтирган болакай бўлғуси киноюлдуз Риши Капур эканини билиш осон: қиёфаси шундоққина таниш.

Ҳофиз таниқли давлат арбоби Жавоҳарлаьл Нерунинг шахсий суҳбатига ноил бўлган. Индира Ганди уни мухлислик муҳаббати ила севган. Ҳофизнинг шуҳрати тиллардан тилларга ўтгани манбаларда қайд этилади.


Хусусан, С. Абдулла ёзадики: "... Гап санъаткор, унинг овози қандай бўлиши лозим? — деган масалага келиб тўхталди. Диктор: — Сиз қандай овозни ёқимли деб ҳисоблайсиз? Ўзингиз ёқимли деб ҳисоблаган овоз соҳиби ким? — дея савол берди. Амина Бинту (машҳур ҳинд рассоми, жамоат ва маданият арбоби — А.С) — овоз аввало ёқимли бўлмоғи даркор. Овозда ҳиссиёт ва туйғу бўлиши лозим, овоз тўлақонли, яъни қулоқни тўлдириб туриши лозим. Мен дунёда (у "дунёда" деб алоҳида таъкидлади) бир санъаткорнинг борлигини биламан, у сизларнинг Комилжон Отаниёзовингиздир. Унинг овози барча даврлар ва замонлар ичидаги энг ноёб овоздир? Агар изн этсангиз, мен у куйлаган қўшиқдан бир банд ижро этаман..."

Бу — юксак эътироф. Комилжон Отаниёзов нафақат Ҳиндистон, балки Хитой, Туркия, Бирма, Цейлон, Афғонистон каби ўнлаб хорижий мамлакатларда сафарда бўлган. Ўша юртлар матбуотида у тўғрисида кўплаб мақолалар босилган. Алалхусус, ҳофиз санъатини биринчи навбатда Шарқ мамлакатлари, Европанинг каттагина қисми тан олди, ардоқлади. Худди шу далил унинг жаҳон миқёсига чиққанлигини билдиради.

Истиқлол йилларида ҳофиз хотираси ёдланиб, у "Буюк хизматлари учун" орденига лойиқ кўрилди. Демакки, Комилжон уста барҳаёт — миллионлаб мухлислари, шогирдлари қалбида яшамоқда. У ижро этган қўшиқлар эзгулик муждаси сифатида яшайверади, одамларни яхшиликка даъват этаверади. Хайр-саховат бобидаги амаллари оғиздан-оғизга ўтади. Бинобарин, бир инсонга шундай эътирофнинг ўзи кифоядир.

Абдулла САФОЕВ

АЛЛОМА



Нурота тизма тоғларининг сўлим дараларидан бирида жойлашган Тегирмоновулда қадим-қадимдан кишилар чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиб умргузаронлик қилишади. Тоғликлар сахий, меҳмондўст ва жўмард кишилар. 1937 йилнинг 3 февралі. Қишлоқда қўл учида ҳаёт кечираётган алпомишкелбат Ширинқул Қозоқбой ўғлининг оиласида ўғиллари Шеронқул, Норқул, қизи Солиҳадан кейин яна бир ўғил туғилди. Тоғда қиш кундузи бир тутам, туни эса узун, тонг отиши қийин кечади. Кечқурун Ширинқулни янги меҳмон билан қутлаш учун дўстлари чиқишди. Сандал атрофидаги гурунг ярим тунгача давом этди. Суҳбат асносида чақалоққа Тошпўлат, дея исм қўйишни келишиб олишди. Тошпўлат тўрт ёшга тўлганда отаси:

— Ҳайитгул! Болаларимни сенга, сени эса Аллоҳга топширдим. Кенжатой ўғлингга ва қизингга эҳтиёт бўл. "Қўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўнг бўлар" деганларидек, унинг пешонаси ёрқироқ. Ўқисин, унсин, келажакда эл-юрт, халқ ўғлони бўлсин. Ўғлим хайр, омон ва соғ бўл, — дея юзкўзлари ва пешонасидан ўпиб, бағрига меҳр билан қайта-қайта босиб урушга кетди. Кўп ўтмай, отанинг ортидан хайр-хушлашиб икки нафар ака ҳам урушга отланди ва жангга кирди. Афсуски, ота ва ўғиллар урушдан қайтмади. Тошпўлат ва синглиси Эсонойларни минг азоб-уқубат билан онаси тарбиялади ва вояга етказди. Ёш Тошпўлат қишлоқда мол боқди, қўш ҳўкиз қўшиб, омоч билан ер ҳайдаб, мола босиб ерга буғдой экди. Онасига энг яқин кўмакдош бўлди. Тўққиз чақирим узоқдаги бошланғич, йигирма бир чақирим наридаги лойсувоқ ўрта мактабга қатнаб ўқиди. Устозлари сабоқларини шуурига нурдай сингдирди. Математика фани сир-асрорларини қалбига жо қилди. Ўзбек халқ достонларидан парчаларни тинмай ёд олди. У киши бу шеърий мисраларни ҳозир ҳам давраларда завқ-шавқ билан ёддан айтади.


Илмга бўлган қизиқиш, қалбдаги жўшқин туғён уни 1955 йил Самарқанд давлат университетининг механик-математика факультетига ўқишга етаклади. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли тамомлаб талаба деган шарафли номга қишлоқ ёшлари орасида биринчилардан бўлиб эришди. Талабалик йилларида тинимсиз ўқиб, изланди. Лойиҳа ва чизмаларни бекаму кўст бажарди. Фаннинг сирли, сеҳрли ёғдуларига интилди. Натижада, университетни "аъло" баҳоларга тамомлади. Ундаги интилишни сезган устозлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси механика институтига йўлланма беришди. У институтда фан дарғ-

алари М. Ўразбоев, Ҳ. Раҳматулин, В. Қобулов, Ш. Ризаевлардан сабоқ олди, илмий-тадқиқот билан шуғулланди. Улар раҳбарлигида 28 ёшида физика-математика фанлари номзоди, 33 ёшида эса техника фанлари доктори бўлди.

Т. Ширинқулов профессор С. Раззоқов билан ҳамкорликда йиғма-монолит қобиқлар ёпилган, ерга ярим кўмилган омборхоналарнинг янги, рақобатбардош ва самарали конструктив ечимини ишлаб чиққан, ҳамда улардан фойдаланишнинг энг мақбул технологик йўлини таклиф қилгандир. Ерга ярим қўмилган омборхоналарнинг янги конструктив намунаси бетон сарфини 40-50%, арматуралар сарфини 25-35%, меҳнат сарфини 25-30% ва конструкциянинг умумий қийматини 30-40% камайтиради. Натижада, конструкциянинг умумий оғирлиги 1,5-2 марта камаяди ва бу омил унинг зилзилабардошлик қобилиятини оширади.

Тадқиқотчининг илмий фаолиятининг ёрқин кўзга ташланиб турадиган жиҳатлари яна шундаки, у фуқаро ва саноат иншоотлари қурилишининг мураккаб масалалари чуқур назарий ишланмаларини амалиётда қўлланиш усуллари билан чамбарчас боғлай олди. Т. Ширинқулов ва унинг шогирдлари томонидан ер ости иншоотларининг ҳисоби усулларини ишлаб чиқиш соҳасида олинган натижалар халқ хўжалигида катта аҳамиятга эгадир.

Тошпўлат Ширинқулув томонидан яратилган илмий назарияларда фақатгина вақт функцияси эмас, балки фазовий координаталар функцияси ҳам қаралади ва ушбу назария доирасида жуда кўп масалаларнинг ечими топилди. Айниқса, кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳримиз Самарқанднинг тенгсиз асори-атиқаларининг пойдевор тузилиши, бино архитектураси ва меъморчилик услублари, уларнинг барчасини таъмирлаш



жиҳатларига доир илмий-амалий техник ҳисоб-китоблар, тадқиқотлар, кўрсатма, тавсия ва қўлланмалар бажарилгани жуда қувончли. “Академик Тошпўлат Ширинқулов иншоотлар ва қурилмаларнинг мустаҳкамлик ва вақт бўйича чидамлилигини таъминлаш соҳасида янги йўналишга эга бўлган ўз мактабини яратди” дейишган эди ўз вақтида машҳур ўзбек алломалари, академиклар М. Ўразбоев, Ҳ. Раҳматулинлар.

Кашфиётларини дунё тан олган олим узоқ йиллик илмий-тадқиқотларини 400 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолаларида, 6 та монографиясида жамулжам этган. Аллома раҳбарлигида бевосита 5 киши фан доктори, 33 нафар аспирант фан номзоди бўлди. Билвосита эса қўшработлик 50 га яқин фан докторлари, 250 нафардан зиёд фан номзодлари ҳам у кишини устоз, дея ҳурмат қилади ва эъзозлайди. Қолаверса, тегир-

моновуллик, бир қишлоқдан чиққан биология фанлари доктори, профессор, кўплаб хорижий мамлакатлар фанлар академияси аъзоси Ботиржон Зарипов, сиёсатшунослик фанлари доктори Абдусалом Умаров, техника фанлари доктори, профессор Кўпаймурод Исмоилов ва бошқалар том маънода фаннинг залворли чўққиларига олиб чиққани, йўл кўрсатгани тўғрисида давра ва гурунгларда фахр-ифтихор ила сўз юритадилар. Устоздан нафақат илм йўлида машаққат чекиб, пешона терини тўкиб изланиш, тадқиқот олиб бориш, балки чин инсонийлик туйғуларини ҳам барҳақ қилишни ўрганганмиз, дея эътироф этадилар.

Беназир олим илмий тадқиқот, изланиш, айтиш мумкинки, игна билан қудуқ қазиш билан бирга педагогик, мураббийлик фаолиятини қўшиб олиб бормоқда. Қалин кўзойнагини тақиб минбарга кўтарилади-да жарангдор овози билан маърузасини эртакдек ҳикоя қила бошлайди. Лозим пайти пешонасидаги маржондек реза-реза терни арта-арта тахтага нималарнидир, қандайдир чизмаларни бўр билан чизади-да тушунтира бошлайди. Педагог-олимнинг материаллар қаршилиги, эластик ва пластик ёйилувчанлик назарияси, қурилиш, механика фанларидан мазмунли маърузаларини Тошкент техника университети, Самарқанд давлат дорилфунуни ва меъморчилик-қурилиш институти талабалари бутун вужуди қулоқ бўлиб тинглаган ва эшитмоқда.

— Домулланинг дарс ўтиш жараёнига ҳавас қилардик. Гоҳ-гоҳида толиққан пайтларини сездирмай, бир зум тин олар, иккиуч дақиқа мавзуга яқин ҳаётий воқеаларни айтиб берарди. Кейин эса яна ёзувтахта олдига бориб, мавзуни талабалар шуурига нурдай сингдиришга ҳаракат қилар ва бунга эришарди ҳам, — дейди собиқ талаба, техника фанлари номзоди, Россияда хизмат кўрсатган ихтирочи Камолбой Исобеков.

Тошпўлат ака нафақат олим-педагоглик, балки йирик ташкилотчилик, ғамхўрлик, меҳрибон раҳбарлик фазилатини ҳам намоён қила олди. Шу боис, Тошкент политехника институти (ҳозирги Техника университети), "Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги" кафедраси мудири, қишлоқ хўжалиги қурилиши факультети деканлиги лавозимидан Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти ректори вазифасига ўтказилди. Ўшанда у бори-йўғи ўттиз саккиз ёшда эди. Республика раҳбарлари унинг ташкилотчилик қобилияти, олимлик салоҳиятига тўла ишонганди. Ишонч эса Т. Ширинқулов томонидан оқланди. Ишга келган биринчи кунданоқ олий даргоҳнинг моддий-техник таъминоти, олим-педагогларга яратилган шарт-шароитларни пухта ўрганди, таҳлил қилди. Шу туфайли 17000 кв. метр майдони бўлган замонавий бош ўқув биноси, 411 ўринли ётоқхона қисқа муддатда фойдаланишга топширилди. Институт ҳовлиси ва атрофи ҳақиқий қурилиш майдонига айланди. Қурилишнинг бошида лойиҳачилар билан ректорнинг ўзи туриб, кеча-ю кундуз бош қотирди. У қурилиш лойиҳасини ва тупроқ таркибини кўздан кечириб қандай қурилиш материаллари ишлатиш ва топиш лозимлигини бир зумда ҳал қиларди. Қийин шароитларда тезда вилоят ва республика раҳбарлари ҳузурига чиқарди. Жиддий масалаларни керакли ташкилотлар раҳбарлари билан бир зумда ҳал қилар ва ишнинг бир маромда бориши ҳамда ўз вақтига бажарилишига эришарди. Шу боис, қисқа муддатда институт профессор-ўқитувчилари, ходимлари учун иккита кўп қавватли турар-жой бинолари қад ростлади. Ижарада яшаётганларнинг жони ором топди. Уларнинг турмуш тарзи яхшиланди, натижада иш қобилияти ошди. Оила аъзоларининг қувончи чексиз бўлди.

Энг асосийси, талабаларнинг ўқиши ва

дам олишига жиддий эътибор берилди. Шу мақсадда 100 ўринли даволаш-профилактория, Миронқул тоғ қишлоғида спорт-соломатлаштириш оромгоҳлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Талабалар йил бўйи ўқишдан кейин ўз оромгоҳларида мириқиб дам оладиган ва соғлигини тиклайдиган бўлишди. "Тоза ҳаво — танга даво" шу ерда амалга оширилди.

Ректорнинг яна бир фазилати шунда эдики, у "аъло" ва "яхши" баҳоларга ўқиган талабаларни институт ҳисобидан Москва, Санкт-Петербург, Киев шаҳарларидаги йирик илмий ва олий даргоҳларга илмий сафар, аспирантурага ўқишга, тадқиқот, изланиш олиб боришга отлантирди. Йирик шаҳарларда ишлаётган олимларга уларни таништирди, хат ёзиб берди ва қўнғироқ қилди. Т. Ширинқуловни яхши билган дўстлари ҳам ўзбек йигитларини илм йўлига олиб киришда фидоийлик, ғамхўрлик кўрсатдилар. Натижада, ўн йил ичида институтда фан номзодлари ва докторлари сафи 350 нафарга етди. Бу қутлуғ анъана ҳозир ҳам бузилган эмас.

Тошпўлат Ширинқуловнинг серқирра фаолияти ЎзР ФА Самарқанд бўлимига раислик қилган йиллари тўла намоён бўлди. Аслида-ку, бу илмий марказни ташкил қилиш билан Самарқанд муҳитида барча фанлар бўйича илмий тадқиқот олиб бориш салоҳияти, қудрати кучли эканлиги исбот қилинганди. Шу боис, қисқа муддатда 20 дан ортиқ илмий лабораториялар ташкил этилиб математика, механика, физика, химия, биология, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, чўлшунослик, машинасозлик, иқтисод, тарих ва бошқа соҳалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди ва борилмоқда. 11 мутахассислик бўйича ихтисослашган илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари олий ўқув юртларида илмий тадқиқотлар олиб бораётган ёш йигит-қизларнинг шу илмий масканда номзодлик, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилаётгани, жуда қувончли ҳол. Энг муҳими, вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда истеъдодли ёшларни топиш ва уларда илмий кўникма ҳосил қилиш учун кичик академиянинг ташкил этилганлиги, Улуғбек ворислари изланаётгани шарафли амал. Кичик академияда мактаб ўқувчилари Ватан тарихи, мозийни пухта ўрганиш бўйича илмий экспедицияларда қатнашаётгани, лабораторияларда тадқиқотлар олиб бораётгани ва муайян натижаларни қўлга киритаётгани, муваффақиятларга эришаётгани келажакка катта ишонч ва умид уйғотаётгани муқаррар.

Ватан ва халқини ардоқлаган, севган, бутун вужудини фанга бағишлаган олим бугун эл-юрт ардоғида. Бутун борлиғи-ю шуурини, талантини, салоҳияти-ю қалбини суюкли Ватанига, меҳрибон халқига бахшида эта олган аллома шонга, шарафга муяссар бўлди. У ўзбек халқи довруғини оламга ёйди, ўзи ҳам дунёга танилди. Шуҳрат ва обрў-иззат қозонди. Чунончи, Т. Ширинқулов Ватанимизнинг кўплаб юксак орден, медалларига эга. Домла ҳозир ҳам хайрли, эзгу ишлардан айри тушган эмас.

Тошпўлат ака Тошбиби янга билан икки нафар ўғил, уч нафар қизларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди, ўқитди ва уй-жойли қилди. Келин суйиб, куёвларини ҳам фарзандимиз, дея ҳурмат қилиб невара-чевараларини бағрида яратганга шукроналик айтмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Расул ҲАМЗАТОВ

МЕНИНГ ДОҒИСТОНИМ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

ЭСДАЛИКДАН. Ҳозир мени овулда ҳамма шоир Расул Ҳамзатов сифатида билади. Бир вақтлар мен ҳам лалайган бола эдим. Кўйлагимни тескари кийиб, пальтомнинг тугмаларини нотўғри қадаб кўчага чиқиб кетардим. Ботинкамнинг ипи боғланмаган ёки боғланган бўлса ҳам тезда ечилиб кетарди. Бир ишни ўйлаб туриб, бошқа ишни қилардим. Ўша вақтда мен ҳақимда айримлар шундай дейишарди:

— Наҳотки вазмин, саранжом-саришта ва ҳар бир ишни тартибли бажарадиган отадан шундай питир-питир ва поймапой иш қиладиган ўғил дунёга келган бўлса? Қайси бири ёш, қайси бири катта: ботинкаси ипини боғлаб юришни ҳар доим унутаётганими ёки буни бекамикўст бажараётганими?

— Нима бўпти, — деб жавоб қайтарардим мен шундай ёқмайдиган фикр-мулоҳазаларга. — Мен ўзимга отамнинг кексалигини олдим, отамга эса ўзимнинг ёшлигимни бердим.

Аслини айтганда, отам умрининг охиригача ёшларга хос тетиклик ва бардамликни сақлаб қолди. Юриш-туришда, ҳар бир ишни бажаришда тартиб, интизом ва аниқликка амал қилди. Овулдошларимизнинг ҳаммаси отам эрталаб пўстинини кийиб қайси соат, қайси дақиқада уйининг томига чиқишини яхши биларди. Отамнинг томга чиқишига қараб соатни тўғрилаш мумкин эди. Ҳатто, овулимиздан армияга кетган бир йигит ота-онасига шундай хат ёзибди: «Жуда вақтли турамиз. Бизни Ҳамзат томга чиқадиган вақтда уйғотишади».

Кимдир Ҳамзат билан эрталабдан учрашгиси келса, қайси соат, қайси дақиқада Хунзах йўлига чиқишини биларди. Чунки отам ишга бориш учун ҳар доим бир вақтда йўлга тушарди.

Одамлар отам ҳақида ҳамма нарсани биларди: отини қайси жойгача етаклаб боради, қайси жойда отга минади, унинг оддий қора кўйлагини, галифе шимини, ўзи тиккан, ҳар куни эрталаб чўткалайдиган этигининг қандай ялтирашини. Улар отамнинг таранг қилиб тортилган камарини, устара кўрмаган соқолини, бир хил тартибда кийиладиган бўркини ҳеч қачон янглиштиришмасди. Қоракўлли бўркининг бир томонидаги жуни андак буралган, бир томонидаги жуни пича осилган эди.

Отам шундай кўринишига, шундай турмуш тарзига ҳайратланарли даражада қаттиқ амал қиларди. Ҳамзат Цадасани бошқача кийим-бошда, бошқача турмуш кечириши мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмасди.

У ўзгаришларни ёқтирмасди. Агар кийими эскириб, яроқсиз ҳолга келса, худди шунга ўхшаш кийим изларди. Янги кийим ўша ўлчам, ўша бичим, ўша рангда бўлишига қарамай, дастлабки кунларда отам бу кийимда ўзини бегонадай сезарди.

Бир куни унинг камари узилди. Янгисини сотиб олиши мумкин эди, лекин Ҳамзат камарини дид билан тикди ва бир қанча муддат тақиб юрди. У хасис эмасди. Отамда ҳар доим пул бўларди, аммо ўрганиб қолган нарсасидан воз кечолмасди. Барибир камар яна узилди. Отам худди шунга ўхшаш камар сотиб олди. Бироқ, янги камар тўқасини олиб ташлаб, эски камарининг тўқасини қўйиб тикди.

Отам бўркини худди тирик қўзичоқни силагандай силарди. Энди оддий камарини авайлаган одам бўркини қандай эъзозлашини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг.

1941 йилнинг ёзида уруш бошлангандан кейин Доғистон ҳукумати отамни тоғдан Маҳачқалъага кўчиб ўтишга кўндирди. Тоғнинг салқин ҳавосига ўрганган отамни шаҳарнинг дим ва иссиқ ҳавоси қийнаб қўйди. Тоғнинг сўқмоқларида енгил туюлган кийимлар шаҳарнинг равон кўчаларида оғирлик қила бошлади. Айниқса, бўрк шаҳар ҳавосига умуман мос эмас эди. У бир қанча шапка ва шляпаларни кийиб кўрди, биз фарзандлари уларни ҳарчанд маъқулламайлик бу

бош кийимлар ташқи қиёфасини ўзгартириб юборгани учун кийишни истамади.

Ҳамзат Маҳачқалъада бўркини қўлида ушлаган ҳолда юрарди. Аҳён-аҳёнда киярди, боши исиб кетиши билан ечарди, лекин бир зум ҳам бўркидан айрилмасди.

Уруш аталмиш офат ҳаётни издан чиқарди, одатий турмуш тарзига таъсирини ўтказди. Отам эса ҳамон вақти-вақти билан тоққа чиқиб келарди. У тоғларда эркин нафас олиб, қадрдон бўркини маза қилиб киярди. Шундай кезларда у чекиш тақиқланган жойдан чиқиб, енгил нафас олганча тамаки халтасини ёзиб, ҳафсала билан қоғозга ўраб, сўнг бурқиратиб чекиб роҳатланаётган одамга ўхшарди.

Бу бир ўхшатиш холос. Отам ҳеч қачон чекмасди, лекин ҳаётдан роҳатланишни турмушнинг бошқа нарсаларидан туярди. Она юртни севиш роҳати, она юртни қуйлаб завқланиш роҳати Ҳамзат Цадаса ҳаётининг мазмуни эди.

ОТАМНИНГ ЁН ДАФТАРЧАСИДАН. «Ражаб дўстим бўлса ҳам менга душманим қилмаган ёмонликни қилди. У шериклари билан бирга менинг соқолимга устара кўтарди», деган сўзларни отам ён дафтарчасига ёзиб қўйган экан. Бу воқеа отам 1934 йили Москвага ёзувчиларнинг биринчи съезига борган вақтда рўй берган. Москвага отамнинг дўсти, авар ёзувчиси Ражаб Динмагомедов ҳам борган. У отамнинг соч-соқолини бир оз тўғрилатиш учун сартарошхонага олиб кирган. Ражаб атайин қилганми ёки русчалаб мақсадини тўғри ифода қила олмаганми, ишқилиб, сартарош отамнинг устара кўрмаган соқолини қиртишлаб олиб қўйган. Отам пинакка кетганми, буни кечроқ билган. Ойнага қараб бегона одам қиёфасини кўрганда бақириб юборган, қўллари билан юзини бекитганча сартарошхонадан отилиб чиққан. Шу қўйи съезднинг бошқа мажлисларида қатнашмаган. Одамлар кўзига шундай қиёфада кўринишга уялган.

— Мен шунча йил яшаб ўз қиёфамни ўзгартирмадим, — деган эди кейинчалик отам. — Қандай қилиб шеърларимда ўз қиёфамни ўзгартиришим мумкин?!

Отам ҳаётда ҳам, шеърларида ҳам ортиқча дабдабани ёқтирмасди. Фақатгина бир муддат ўзгача одатни ихтиёрсиз равишда бажарган.

ЭСДАЛИКДАН. Маҳач қалъага отамни кўргани овулдан қадрдонлари келди. Улар отам бошқачароқ ҳолатда беўхшов ўтирганини дарҳол пайқашди. Чунки Ҳамзат Цадаса учта бармоғини иягига тираганча ўтирарди. Тоғликлардан бири ундан сўради:

— Биз сенинг учта бармоғингни тираб ўтирганингни ҳеч кўрмагандик. Қачон бундай одатни ўргандинг, нима учун бундай қилаяпсан, билмадим. Лекин сенга бундай ўтириш ярашмайди. Ҳамзат, бу одат сенга ўхшамабди.

— Сен ҳақсан, — деди отам. — Қанийди, бу одатимни тезроқ унутсам. Бунга Муҳиддин Жамол деган рассом сабабчи бўлди. У уч ой давомида менинг расмимни чизди. Мен шу уч ой давомида унинг қаршисида учта бармоғимни иягимга тираганча ўтирдим. Рассом шундай ўтиришим кераклигини айтди, мен унинг истагини бажардим.

— Сенга жуда қийин бўлгандир.

— Чордона қуриб қанча ўтирсам чарчамас эдим, лекин иягимга учта бармоғимни тираб туриш роса чарчатди. Баъзан учта бегона бармоқ менинг иягимни ниқтаб тургандай туюлди. Баъзан менинг учта бармоғим бегона иякни ниқтаётгандай туюлди. Уч ой бир ҳолатда ўтираверганимдан кейин охир кўникдим. Сурат аллақачон битди, уни деворга ҳам осиб қўйдик. Лекин мен ҳамон иягимга учта бармоғимни тираб ўтириш одатимни унута олмаяпман. Юраги оғриб турадиган одам, юраги санчмаса ҳам гоҳ-гоҳ қўлини юраги устига қўйишга одатланиб қолгандай. Мендан хавотир олманглар, албатта, бу одатни ташлайман.

ОТАМНИНГ ЁН ДАФТАРЧАСИДАН. Мен дафтарчани варақлар эканман отамнинг сунъий тиш қўйдиришига бағишланган хотираларига кўзим тушди.

Доктор Ҳамзатдан қандай тиш қўйганим маъқулроқ деб сўраган: олтинми, кумушми ёки пўлат? Бу саволдан ўйланиб қолган отам жўяли маслаҳат олиш илинжида ёнидаги дўстларига қараган.

— Олтин яхши, — дея маслаҳат берган битта дўсти. — Олтин — хосиятли металл.

— Пўлат мустаҳкам, — дея маслаҳат берган иккинчи дўсти. — Пўлат қаттиқ, ейилиб кетмайди, кўпга чидайди.

— Нима деяпсизлар? — эътироз билдирган Ҳамзат. — Агар мен овулга олтин ёки пўлат тиш билан қайтсам, одамлар оғзимга қараб «Бу тишми ёки фонус?» дейишмайдими. Бундан тишлар менинг юзимга соя солади. Суякли тиш қўйиш мумкин эмасми, одамлар менинг янги тиш қўйдирганимни билишмасди. Шундай тиш қўйдиришга розиман.

Доктор отамнинг илтимосини инобатга олиб, ўзининг тишларига ўхшаш сунъий тиш қўйган.

Кейинчалик шеърларида

ўзгачароқ руҳдаги ёки бошқаларникига сал ўхшаб кетадиган мисралар пайдо бўлганда, отам шундай деганди:

— Бу мисраларга сунъий тишларимнинг нуқси урган.

Албатта, олтин тишлар билан ҳам олмани чайнаш мумкин, лекин табиий тишингдай олмани қарсиллатиб тишлаб, мазасини туя олмайсан.

ЭСДАЛИКДАН. 1947 йили Маҳачқалъа театрида Ҳамзат Цадасанинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан катта тантанали кеча ўтказилди. Кўплаб табрик нутқлари сўзланди, кўплаб шеърлар ўқилди, кўплаб совғалар тақдим этилди. Ниҳоят, таваллуд тўйини нишонлаётган отамга сўз навбати берилди. Ҳамзат хотиржам минбарга яқинлашди, хотиржам кўкрак чўнтагига қўл солиб бир кун аввал тайёрлаб қўйган нутқи матнини олди, хотиржам кўзойнагини олиш учун иккинчи чўнтагига қўлини солди... Хотиржам турган отам бирдан безовталанди, шошиб-пишиб бошқа чўнтакларини кавлай бошлади. Ҳамма билдики, Ҳамзат кўзойнагини уйда унутиб қолдирган.

Дарҳол кўзойнакни олиб келиш учун одам жўнатилди. Лекин Ҳамзат минбарда, нима қилишини билмай қараб турарди. Вазиятдан чиқиш учун дўсти Абутолиб унга ўзининг бирмунча мос келадиган кўзойнагини берди. Отам Абутолибнинг кўзойнагини тақиб, матнни ўқий бошлади. У ўзининг шеърини ўқирди, аммо овозида, туришида қатъиятсизлиги яққол сезиларди. Гўё отам ўзининг шеърини эмас, бировнинг шеърини ўқиётгандай, гўё биринчи бор шеърни кўриб тургандай ҳаяжонланарди.

Отам иккинчи шеърини ўқишга чоғланаётган вақтда кўзойнакка кетган бола залга кириб келди. Ҳамзат дарҳол Абутолиб кўзойнагини ечиб, ўзининг кўзойнагини тақди. Бирдан отамнинг қомати ростланди, овози дадил жаранглади. Залдагилар отам ҳозир минбарга чиқиб шеър ўқигандай, гулдурос қарсаклар билан олқишлашди. Гўё бунгача минбарда Ҳамзат Цадаса эмас, унга ўхшаш одам турганди.

— Кўзойнагим тўйимни бузишига сал қолди, — деди жилмайиб Ҳамзат.

— Менинг кўзойнагим сенга ёқмадими? — дея гапини бўлди Абутолиб.

— Сенинг кўзойнагинг ҳам яхши экан. Лекин у сенинг кўзойнагингда.

Ҳар бир одамнинг ўз кўзи бор, демак кўзойнаги ҳам ўзиники бўлиши керак.

Отам кўзга ярқ этиб ташланадиган рангни ҳам, эътиборни тортмайдиган кўримсиз рангни ҳам ёқтирмасди. У жуда қуюқни ҳам ва жуда суюқни ҳам, жуда совуқни ҳам ва жуда иссиқни ҳам, жуда қиммат нарсани ҳам ва жуда арзон нарсани ҳам жуда қолоқни ҳам ва жуда илғорлаб кетганни ҳам ёқтирмасди. У бўридаги ваҳшийликни ҳам ва қуёндаги қўрқоқликни ҳам, зулмкор бошқарувни ҳам ва қулдай тобеликни ҳам ёқтирмасди. Баъзан у такрорлаб қўярди:

— Хасдай қуриб қолма, синдиришади. Пол латтадай жуда ҳўл бўлма, сиқиб сувингни олишади.

Менинг отам бир томчи ёмғирга шалаббо бўладиганлар ёки бир пуфласа қуриб қоладиганлар тоифасига кирмасди. Ҳамзат Цадаса оддий меҳнаткаш эди, унинг қалбида авар халқининг шаъни ва қадриятлари яшарди, у шу фазилатларни пок сақлашни ўзига шараф деб биларди.

ЭСДАЛИКДАН. Бир куни биз отам билан Маҳачқалъа овулидаги касал қариндошимиздан кўнгил сўрагани борадиган бўлдик. Бизнинг тоққа отланаётганимизни эшитган Дағистон ҳукумати бошлиғи Абдураҳмон Дониёлов қора рангли ЗИМ хизмат машинасини берди.

Шаҳар кўчаларида кетаётган вақтимизда отам хотиржам эди. Аммо машинамиз шаҳардан ташқаридаги йўлда пиёдаларни, эшакда, аравада, отда кетаётган тоғликларни қувиб ўтаётганда отам юмшоқ ўриндиқда ўтирган бўлишига қарамай безовталана бошлади. Мен ёш бўлганим учун ойнадан бошимни чиқариб қандай машинада кетаётганимни кўрсатиб қўйгим келса, отам одамларнинг кўзига кўринмаслик учун ўриндиққа тобора чўкарди.

ёмғир ёғарди. Сойга яқинлашганимизда бир чолнинг араваси сувнинг ўртасида тиқилиб қолганини кўрдик. Отам дарҳол машинани тўхтатди, сойга тушиб чолга ёрдамлашди. Улар биргаликда ҳўкизларга ҳай-ҳайлашди, аравaнинг ғилдиракларидан итаришди. Тезда аравани текис йўлга чиқаришди. Биз йўлда давом этдик. Бир неча километрдан кейин яна битта сойга дуч келдик. Отам машинани тўхтатиб, аравада келаётган чолни кута бошлади.

— Чолнинг араваси бу сойда ҳам ботиб қолади. Мен бу сойдан аравани қандай ўтказиш кераклигини биламан, чолни кутиб унга ёрдамлашаман.

Чиндан ҳам чолнинг араваси сойнинг ўртасига борганда тўхтаб қолди. Отам ҳўкизларни усталик билан бошқариб аравани сойдан ўтказди.

— Бўйноқдан тоққа юк ташиганимда бу сойдан кўп кечганман, — деди отам қўлини кийимига артиб машинага чиқар экан. Кейин худди шу арава билан ўтган умри, ёшлиги бирга

кетаётгандай унга қараб маъюс жилмайди.

Хунзах овули тепалигига кўтарилаётган вақтимизда машинамизга юк машинаси урилиб кетди. Машинамизнинг ғилдираги қийшайди. Отам бахтсиз ҳодисадан озор чекмади. Машинадан тушиб, овулга шахдам қадамлар билан пиёда жўнади. Биз бир оз кутиб туришини, ғилдиракни алмаштиришимизни айтдик.

— Ҳатто овулдаги тўйга ҳам бундай машинада боришим ярашмасди, касал қадрдонимни кўргани бораётганимда бундай томошанинг ҳожати йўқ. Мен машинанинг бузилиб қолганидан хурсандман, овулга пиёда бораман.

Отам болалигидан таниш, тоғликларнинг қанча авлоди ўтган сўқмоқ бўйлаб овулга йўл олди. Биз машинанинг ғилдирагини алмаштириб, катта айланма йўл билан овулга жўнадик. Машинада бўлсак ҳам отам билан бир вақтда овулга кириб бордик.

Маҳачқалъага келган вақтимизда Абдураҳмон Дониёлов йўлдаги ҳодиса тўғрисида ташвишланиб сўради. Отам ҳазил аралаш деди:

— Машинанг жуда яхши экан, Кўз тегди, шекилли. Сал бундайроқ бўлганда, ҳеч нарса рўй бермасди...

ЭСДАЛИКДАН. Отам умрининг охирги йилларида оғир касал бўлиб қолди. Касаллик унга ҳеч кутилмаганда, тоққа сайловчилар билан учрашувга борган вақтида ёпишди. Навбатдаги сайлов яқинлашаётганди, Ҳамзат Цадасанинг ҳам номи депутатликка номзодлар рўйхатига киритилганди.

Туман марказигача машинада кетдик, тоғдаги овулга отда боришимиз керак эди. Отам ювош, бўйсунадиган отларда юришни ёқтирарди. Одатда у пиёда, отни етаклаб юрарди. У кўпроқ пиёда юришни афзал кўрарди.

Маҳаллий ҳукумат жиддий ҳозирлик кўрганди. Бўлажак депутатга энг чопқир отни рўпара қилишди. Уларни айблаб бўлмайди. Ҳурматли меҳмонга тумандаги энг чопқир отни муносиб кўришганди.

Етмиш икки ёшга кирган отам мезбонларни ранжитиб қўймаслик учун ёшлик йилларини эслаб, отга сакраб минди. ёш чавандозлар қуршовида турган от минган оппоқ соқолли шоир худди ноиблари орасида турган имомга ўхшарди.

Буйруқ берилиши билан ёш чавандозлар Ҳамзат Цадасанинг келаётганини билдириш учун турли овулларга от чоптиришди. Отлар бирдан ҳаракатга келганини кўрган Ҳамзат Цадасанинг оти ҳам уларга қўшилиб чопиб кетди. Отам отни бошқара олмай қолди ва телба пойга бошланди. Ҳамзат Цадасанинг олдин кўнгли айниди, кейин аҳволи тобора ёмонлашди, охири отдан қулаб тушди. У Маҳачқалъага касал ҳолда қайтди ва бу касаллик отамни умрининг охиригача қўйиб юбормади.

— Шеърда ҳам баъзан шундай бўлади, — деди отам йўталиб. — Шоир ўзи билган, ўрганган отида юриши лозим. Ўзи билмаган, синалмаган тулпорга минмаслиги керак. Ўзганинг тулпори эгардан улоқтириб ташлайди.

Отам ҳақида узоқ ҳикоя қилишим мумкин. Энди унинг дўсти Абутолиб ҳақида ёзгим келаяпти. Тўғрироғи, Абутолиб билан ўтказган бир куним ҳақида ҳикоя қиламан.

АБУТОЛИБ БИЛАН ЎТКАЗГАН КУНИМ. Қандайдир сабаб билан охиригача ёзилмаган ёки тугамай қолган шеърни ниҳоясига етказиш учун қайтадан ижодхонага келиб ўтиришим қийин кечади. Тоғликлар бежиз айтишмайди: қолган ишга қор ёғади. Яна улар айтишади: бақанинг думи йўқлигининг сабаби — унга дум қўйишни эртанги кунга қолдирилганида.

Эрталабдан икки ҳафта илгари бошлаган узун шеъримни ниҳоясига етказишни ният қилдим. Олдинда машаққатли ижодий меҳнат тургани учун уй хизматчимиз Фросяни огоҳлантирдим:

— Агар кимдир сўраб келса, мен уйда йўқман. Зарур иши бўлса тушдан кейин келсин.

Вазифани топшириб хотиржам болахонага чиқдим ва ижодни бошлашга чоғландим. Барибир, кўчанинг шовқини эшитилиб турарди. Мана дарвозамиз ғийқиллаб очилди. Бир оздан кейин уй қўнғироғимиз жиринглади. Мен Фросянинг овозини эшитмадим, лекин Абутолибнинг баланд товуши қулоғимга келди. Ўша заҳоти ўтирган стулим мисоли қизиган товага ёки тиканакка айланди. Ҳали Абутолиб Ҳамзат Цадаса уйидан, ҳозирда Расул Ҳамзатов уйидан йўқ жавоби эшитмаган ва азиз меҳмон бўлмасдан қайтиб кетмаган. Бундай бўлмаган ва бундай бўлиши ҳам мумкин эмас. Мен қийин аҳволда қолдим: Абутолибнинг қайтиб кетишига йўл қўймаслигим шарт ва Фрося ҳам ёлғончи бўлиб қолмаслиги керак. Ахир, Фрося илтимосимни сидқидилдан бажариб, Абутолибга уйда йўқлигимни, фақат тушдан кейин келишимни айтиб бўлганди.

Мен ортиқча фикр-мулоҳаза қилмай юрак амрига бўйсундим. Деразадан бошимни чиқариб, отамнинг қадрдонига овоз бердим:

— Абутолиб, кираверинг, мен шу ердаман.

— Меҳрибон Оллоҳим! Наҳотки, Ҳамзат Цадасанинг ўғли қарзини сўраб келганлардан бекинса, — дея Абутолиб бўркини қўлига олди ва Фросянинг ёнидан ўтар экан унга урилиб кетди. — Расул, мана бу аёлга айтиб қўйгин, Абутолиб бу уйга келганда дарвоза ўз-ўзидан очилади ва сен Расул доим уйда бўласан. Агар сен бўлмасанг ҳам Абутолибга еб-ичишга, керак бўлса дам олишга жой берилади.

— Фросянинг айби йўқ. Фотимат ишга кетаётганда, унга мени уйда йўқ деб айтишни тайинлаб кетган.

— Яхшиям, хотинлар бор. Керак пайтда ўз айбингни унга ағдаришинг мумкин. Наҳотки Фотимат, бугун пайшанба эканлигини унутган бўлса, — деди Абутолиб жингалак жунли бўркини силар экан.

— Пайшанбанинг бошқа кунлардан қандай фарқи бор?

— Пайшанба — менинг ҳаммомга борадиган куним. Эътибор бермаганмисан, ҳар пайшанба ҳаммомга келаман. Ҳаммом эса сенинг уйингнинг ёнида. Истаган вақтимда шундай суҳбатлашиб ўтиришга ёки тамаки чекиш учун киришим мумкин.

— Абутолиб, ҳаммомга тушишингизга ҳожат йўқ-ку. Уйингизда иссиқ сув, ванна бор.

— Ванна ва душ — мисоли қора нон бўлаги. Ҳаммом — мисоли шоҳона зиёфат. Минг йиллардан буён тоғдан оқаётган жилға менинг боғимдан ҳам ўтган. Сувни дарахтлар тагига бошқараман. Мен шунча дарахтни гулчелак ёки чўмичда сув ташиб суғора олармидим? Ҳаммом тоғдан оқаётган жилғага, ванна ва душ эса гулчелак ва чўмичга ўхшайди. Расул, сен бу гапларингни болалар шоири Нуриддин Юсуповга айт. Айтишларича, ҳозир у қўғирчоқ театри учун сценарий ёзаётган экан. Қўғирчоқлар учун бу гаплар жуда кетади.

— Ҳаммомдан кейин аччиқ чой ичиш ҳовурни олади, — дедим Абутолибни йўлакдан уйга таклиф қилар эканман.

— Аччиқ чой ичиш яхши, ёнида қайнатма шўрва бўлса ундан ҳам яхши, вино бўлса ҳам ортиқчалик қилмайди, агар тоза ароқ бўлса янада яхши.

— Қайнатма шўрва бор, фақат кечаги. Эрталаб бўлгани учун янгисини бошлашга ҳали уринишмаган.

— Кечагисидан бошлаб турамиз, унгача янгиси ҳам тайёр бўлиб қолади.

Фрося дастурхонни тузаётган вақтда мен ичкилик терилган буфетимни очиб мақтандим. Унда хориждан олиб келинган турли чиройли шишаларда ром, коньяк, жин, виски, кальвадос, абсент, вермут, уникум каби тоза ичкиликлар бор эди. Конъякнинг бир неча хили қаторлашиб турарди.

— Абутолиб, танланг. Қайсинисидан ичасиз?

— Расул, сен бу нотаниш шишаларингни қўя тур. Агар қуйиб бериш ниятинг бўлса, ўзимизнинг ароқдан оч. Ароғимизнинг нимаси яхши: биз уни биламиз, муҳими, у бизни билади. Эҳтимол, сен кўрсатаётган бу ичкиликларнинг мазаси яхшидир, лекин шу шишадагилар узоқдан келтирилган. Улар менга тушунарсиз тилда гапиришади, мен ҳам улар тушунмайдиган тилда гапираман. Сийратимиз ҳам, сувратимиз ҳам ҳар хил. Биз бир-биримизни умуман билмаймиз. Бу шишалар нотаниш меҳмонга ўхшайди. Улар билан аввал танишишимиз, суҳбат қуришимиз, дастурхон атрофида бир муддат туз тотишимиз керак. Барибир, бир-биримизни тўлиқ тушунмасак ажабланмайман. Яхшиси, сен бу шишаларингни москвалик дўстларингга асраб қўй. ёки уларни туғилган уйида онаси тайёрлаб овқатларнинг ширин тотини унутиб юборганларга қуйиб берган.

Аксига олиб, уйимизда оддий ароқ қолмаган экан. Мен ўзимни худди магазинга ароқ олиб келишга чиқиб кетаётган кишига ўхшаб тутдим. Ўйладимки, ташқарида ёмғир ёғиб совуқ шамол эсаётгани ва уйда ичкилик сероб бўлгани учун Абутолиб йўлдан қайтаради. Ахир, уйда француз асл коньяклари қаторлашиб турганда, шундай ҳавода кўчага ароқ олиб келишга чиқишга ҳожат борми?

Чиндан ҳам Абутолиб мени шаштимдан қайтаришга уринди:

— Расул, сочингга оқ тушган бўлса ҳам ҳали ғўр экансан. Ароққа ўзинг боришинг шартми, ё бу жойда сендан ёшроқ йўқми? Ташқарига чиқиб, қўшнингнинг боласига айт, олиб келади. Мен ҳеч қаёққа шошаётганим йўқ, олиб келишини бемалол кутаман.

Абутолиб маслаҳатига қулоқ солдим. Чиқиб қўшнимизнинг боласига пул бердим, у магазинга чопиб кетди. Шу вақтда Абутолиб ён-атрофга зимдан назар ташлади.

— Уйингда тоғлик меҳмонлар кўринмайди. Наҳотки, уйингда битта ҳам меҳмон бўлмаса?

— Бугун ҳеч ким йўқ.

— Менинг дўстим, сенинг отанг Ҳамзат бор вақтида бу уйдан меҳмонларнинг қадами узилмасди. Меҳмонларнинг борлиги нима учун яхши? Чунки уларда ҳамиша тамаки бўлади.

— Уйда чекимлик бор, — дедим-да сигарет ва папиросларнинг турли хилларидан олдим.

— Бу оппоқ, найчали сигареталаринг ҳуморимни босмайди. Буларни москвалик таниш-

ларингга асра. Менга бўлса ўзимизнинг аччиқ тоғ тамакисидан бер. На чора, ўзимнинг тамаки халтамни оламан, шекилли.

Абутолиб белига қистирилган тамаки халтасини олиб очди. Қоғоз парчасига тамакидан эзғилаб солди, шошмасдан силаб айлантирди, қоғоз чеккасини тили билан ҳўллаб, дид билан ёпиштирди.

— Бу қўлбола ўралмани сенинг сигареталарингга алишмайман. Ҳар ким ўзига мос ўралма тайёрлайди. Шундай ўралмани фақат мен ўрайман. Сенинг сигареталаринг бир-бирига ўхшайди. Энди ўзинг айт: қайси биридан кўпроқ ҳузур қиласан? Тайёр сигарета олиб чекишданми, ё ўзинг ўраган тамакини чекишданми? Мен тамакини ўраётган вақтдаёқ шавқ туя бошлайман. Ҳега мен ўзимни-ўзим шундай шавқ туйишдан маҳрум этишим керак?

Мен хориждан олиб келган ўт олдиргичимни чирқиллатиб ёқдим. Абутолиб олов тутган қўлимни сурди. Чўнтагидан бир бўлак пўлат, оқтош ва пилик олди. Пиликни тош устига қўйиб, мўлжаллаб пўлат билан ура бошлади, учқунлар сачради. Кейин пуфлаб пиликни чўғлантирди ва ўралмани тутатди. Тутаётган пиликни бурнимга яқинлаштириб деди:

— Ҳидла. Қандай ҳиди бора? Яхшими? Сенинг ўт олдиргичингнинг қанақа ҳиди бор?

Абутолиб бир муддат тамаки тутуни орасида йўқолди. Тутун тарқагач, секин сўради:

— Айт-чи Расул, нима учун сочингга оқ тушган?

— Билмайман, Абутолиб.

— Мен нима учун сочимга оқ тушганини биламан.

— Билсангиз, айтинг.

— Менинг сочим болаларимнинг магазиндан ароқ олиб келишини кута-кута оқарган. Ҳа, Расул, болалар ота-оналарининг хавотир олишганини ўзлари ота-она бўлишмагунча тушунмайди. Худди шундай ҳозирги аҳволимни ичмайдиган одамга тушунтиришим қийин. Ҳар доим ароққа ичадиган одамни жўнатиш керак, шунда узоқ кутдирмайди.

Бу вақтда Фрося дастурхонни тузатиб бўлди. Кечикиб бўлсада, дастурхон ўртасидан ароқ жой олди.

— Уф, — деди Абутолиб, — бунинг деҳқонлар орасида турган сурхинлик раисдай савлат тўкишини қара. У шишани қўлига олиб эркалади: — Оҳ-оҳ, бунинг гердайиб туришини қара. Буни олиб келган йигитнинг ҳам диди чакки эмас экан.

Бирдан Абутолибнинг столга қўйилган кичик рюмкаларга кўзи тушиб, уларга тикилиб қолди. Кейин тиш оғриғи зўрайган одамга ўхшаб, пешонасини тириштирди. Битта рюмкани қўлига олиб, у ёқ бу ёғига обдон қаради. Рюмка ёқмаётганини ошкор билдириш учун унинг ичига тамаки қолдиғини солгиси келаётгани шундоқ юзидан кўриниб турарди.

Мен грузиялик дўстим совға қилган шохни олиб, Абутолибга узатдим. Кекса шоир шохни диққат билан кўздан кечириб, охири баҳосини айтди:

— Яхши шох экан, Агар унда кумуш безак бўлмаганда бундан ҳам яхшироқ кўринарди. Ҳудди куёвнинг зар балбоғига ўхшаш ортиқча даҳмаза. Ахир, шу кумуш безак билан шохнинг ичидаги ароқ ўткир, ичимлироқ бўлиб қолмайди. Расул, бунингни жойига қўй, менга қўлим ушлашга ўрганган битта оддий стакан бер. Мен стаканда неча қултум борлигини ва қаерда тўхтатиш кераклигини биламан.

Абутолиб истагини бажо келтирдим. У ароқдан қуйди, стаканга бир бўлак нон ташлади ва даргин тилида деди:

— Дерҳаб!

Кейин бир кўтаришда стаканни бўшатди ва қўшиб қўйди:

— Ичишдан олдин албатта "дерҳаб" дейиш керак. Бу сўзнинг маъносини тушунтириш қийин. Эҳтимол, жуда чуқур маъноси ҳам йўқдир. Лекин "дерҳаб" нимани англатиши шундай ҳам тушунарли.

Стулга қулай ўтириб олгач, Абутолиб шўрвали тарелкани ўзи томон тортди. Гўштини олиб бошқа тарелкага солди, шўрвасига нон тўғради. У шошмасдан ҳар бир қошиқдаги овқатнинг таъмини туйиб тановул қила бошлади. Вақти-вақти билан гўштни қаламтарошида кесиб, бўлакчасидан оғзига ташлаб турди. Ўйлашимча, Абутолиб гўштни чўнтак қаламтарошидан бошқа нарсада, масалан, тилла санчқида оғзига ташлаган тақдирда ҳам бундай маза қилмасди.

Шўрва ва гўштни еб тугатгандан кейин Абутолиб дастурхонга тўкилган увоқларни териб оғзига солди. Яна озгина ичди ва мўйловини бураб қўйди.

— Энди чой қуйиб берайми?

— Энди менинг чойим — яна тамаки. Қани Расул айт-чи. Папирос бошқа нарсалардан нимаси билан фарқ қилади?

— Билмадим.


— Бошқа нарсалар тортсанг узаяди, папироснинг тортсанг қисқаради, — деди у ва ўзининг жайдари фалсафасидан мамнун ҳолда жилмайди.

— Абутолиб, кўп чекиш соғлигингиз учун зарарли.

— Қорни тўйгандан кейин ҳоқонлар ҳам чекишади, дейишади.

Чекиб бўлгач, у дабдурустдан сўради:

(Давоми 26-бетда)



«Универсиада — 2007» спорт ўйинларидан лавҳалар










"УНИВЕРСИАДА-2007"

(Давоми. Боши 18-бетда)

— Бошқарув йиғилиши қачон бўлади?

— Эртага.

— Билмайсанми, бу сафар Зайниддиннинг Адабиёт жамғармасига берган аризаси кўриб чиқиладими?

— Билмадим, бунинг сизга нима қизиғи бор?

— Сенга бир воқеани сўзлаб берайин. Болалик пайтимда бузоқ боқардим. Мен қарайдиган бузоқлар жуда ювош эди. Яйловда яшил майсада Қуёшга қараб ётардим, бузоқлар узоққа кетмасдан ўтларди. Хуллас, ҳамма хурсанд: мен ҳам, бузоқлар ҳам, уларнинг эгалари ҳам. Бир куни кўзим илинганда ярамас бузоқ қўшилиб қолиб, бузоқларни сулизорга бошлаб кетибди. Шу билан менинг осойишта кунларим тугади. Кунларим бузоқларни сулизордан қайтариш билан ўтди. Ҳудди шундай шоирларимиз Адабиёт жамғармасининг ёрдам пулига маза хўрак бўлиб қолишмадими? Улар Адабиёт жамғармаси ёрдам пулининг ҳидини билишмагунча тинчгина шеърларини ёзишарди, китобларини чиқаришарди. Қайси бири аввал бу ишни бошлади, билмайман, бузоқлар сулизорга интилгандай ҳозир ҳаммаси Адабиёт жамғармасининг ёрдам пулига кўз тикишган. Ҳозир улар шеър ёзишни эмас, кўпроқ Адабиёт жамғармасини ўйлашади. Эрталаб уйқудан туриши билан хаёлида шеър ёзиш эмас, моддий ёрдамга ариза ёзиш бўлади. Хулласи калом, мен ҳам шунга ўхшашроқ ариза ёзмоқчиман, уни эртага Бошқарув йиғилишида муҳокама этинглар.

— Абутолиб, сиз нимага муҳтож бўлиб қолдингиз?

— Биласан, ҳали менинг танамни бирор доктор кўрган эмас. Бари бир соғлигимни тиклаш учун санаторийда дам олиб келмоқчиман.

— Санаторийга бериладиган йўлланма чўнтагимда деб ҳисоблашингиз мумкин. Лекин ёзувчилар уюшмасига ариза ёзганингиздан кўра Доғистон Олий Кенгашига мурожаат қилганингиз яхши эмасми? Олий Кенгаш Бошқаруви аъзоси бўлсангиз. Ҳукумат санаторийсининг шароити ёзувчилар санаторийсиникидан яхшироқ.

У бошини чайқаб, тили билан тақиллатди. Одатда у бундай тил тақиллаши билан хурсандчилигини, ранжиганини ёки ҳайратини ифодаларди.

Айни пайтда у норозилигини ифодалаётган эди:

— Расул, бундай қилиш яхши эмас. Биринчидан, мени Олий Кенгаш депутатлигига вақтинчаликка — тўрт йилга сайлашган. ёзувчилик эса бир умрлик ҳунарим. Иккинчидан, ҳар қандай санаторийнинг ҳам ўзига хос камчилиги бор. Шундай экан кейин мен камчилигини айтиб қайси бирини сўкканим афзал: ёзувчилар уюшмасиними ёки Олий Кенгашними?

— Унда аризангизни ёзиб беринг, эртагаёқ муҳокамага қўяман.

— Мен ҳеч қачон ариза ёзмаганман. Аризани Мирза ёзиб беради. Сизлар йўлланмани тахт қилиб қўйинглар.

У шу сўзларни айтиб, ўрнидан турди ва кетишга чоғланди.

— Абутолиб, энди йўл бўлсин.

— Нашриётга бораман. Айтишларича, китобим чиқибди. Кўрайчи: ўғил-ми, қиз?

— Кечқурун педагогика институтига келинг. ёзувчиларнинг талабалар билан учрашуви ўтказилади.

— Яхши, бораман. Сурнайимни ҳам олайми?

— Оббо, Абутолибей. Сиз сурнайчи эмас, шоирсиз. Яхшиси, китобларингиздан олинг.

— Кўришгунча, — деди Абутолиб ва индамай кетди.

Қизлар ўқийдиган педагогика институтидаги адабий кеча кечқурунги соат еттига белгиланганди. Унга Доғистондаги турли миллатга мансуб шоирлар таклиф этилганди. Роппа-роса соат еттида атрофга қарадим, Абутолиб кўринмади. Адабий кечани бошладим. Минбарга бирин-кетин шоирлари чиқишди, ўз тилларида шеър ўқишди. Кимдир лак, кимдир қўмиқ, кимдир лезгин, кимдир авар тилида. Қайсидир ёш шоир шеър ўқиётган вақтда ҳеч кутилмаганда қарсак янгради. Саҳна пардаси четидан Абутолиб Ғафуров кўриниш берибди, қизлар уни олқишлаётган экан.

Яна иккита шоирга навбат бергач, Абутолибга тайёрланинг дегандай ишора қилдим. Абутолиб ҳудди суратга тушаётган одамга ўхшаб бирдан жиддий қиёфага кирди, мўйловини бураб қўйди. "Кўряпсанми, тайёрланаяпман", дегандай менга қаради.

Абутолиб Доғистондаги барча миллат тилларини оз-оздан биларди, қизларга русча, аварча ва лакча сўзлади. Кейин лак тилида иккита шеърини ўқиди. Шу билан ўз чиқишининг адабий қисмини тезгина, созгина тугатди. Ахир, асосий қисмга кўпроқ вақт қолиши керакда. Абутолиб қўлларини ёзиб қизларнинг олқишини тўхтатди ва сўради:

— Истайсизларми, мен сизларга сурнай чалиб бераман.

— Сурнай чалиб беринг, — дея қизлар ҳар томондан чувуллашди.

Шуни кутиб турган Абутолиб парда орқасидан сурнай ва найини олиб келди. Уларни бир-бир секин чалиб кўрди. Барча бу

созларни текшириш машқи эканини сезиб турарди. Созларининг сайрашига амин бўлган Абутолиб столдаги сув солинган стаканни олиб сурнайига қуйди.

— Ўзинг сув ичишдан олдин отингнинг чанқоғини қондир, дейишади тоғликлар. Ўзинг ичишдан олдин сурнайингни тўйдир, дейишади тоғлик сурнайчилар.

Абутолиб у томонга бу томонга муқом қилиб сурнай чала бошлади. Сурнай навосига қизлар қийқириғи ва шўх рақси уланиб кетди. Ўша кечқурун бутун Маҳалқалъага Абутолиб сурнайининг товуши етган бўлса ажаб эмас.

У саҳнадаги жойига келиб ўтирар экан соддадиллик билан сўради:

— Яхши чалдимми?

— Яхши.

— Нега унда номига қарсак чалдинг. Қани бошқатдан яхшилаб қарсак чал.

Абутолибнинг бу сўзи залда хандон кулги уйғотди.

Тўғриси, адабий кечани олиб борувчи сифатида менга Абутолибдай ажойиб шоирнинг сурнайчи ролида чиқиши ёқмаганди. Бу рус шоири Сергей Есенининнинг адабий кечада шеър ўқиш ўрнига рақс тушишидай бир гап. Балки Есенин рақс тушишни ҳам қотиргандир. Лекин ҳамма нарсанинг ўз вақти бор. Менинг қовоғимни солиб ўтирганимни кўрган Абутолиб ҳазил аралаш шундай луқма ташлаганди.

Биз қизлар олқишлари остида кенг зинапоядан гардеробга тушдик. Мен пальтомни кийиб, ойнага яқинлашдим. Ўша йилларда кенг елкали пальтолар урф бўлганди, менда айнан шундай пальто эди. Абутолиб менга қараб бошини чайқади:

— Илгари елкалар думба ейишдан, яъни яхши таомлар тановул қилишдан кенгайган, ҳозир елкаларни пахта тиқиб кенгайтиришга ўтишди. Илгари шеърлар соз жўрлигида куйланган, ҳозир қоғозга қараб ўқиляпти. Дунёда кўп нарса ўзгариб кетди. Бу менга ёқмайди.

— Абутолиб, нега адабий кечага кеч қолдингиз?

— Энди йўлга чиқай деб турганимда авар театридан бир артист ҳовлиқиб кириб келди...

— Сиз авар театрига нега керак бўлиб қолибсиз?

— Уларнинг бугунги қўядиган спектаклида тўй саҳнаси бор экан. Биласан, ҳозир ҳар бир спектаклга тўй саҳнаси қўшиляпти. Театрнинг сурнайчиси касал бўлиб қолибди. Сурнайсиз тўй тўй бўлармиди?! Улар мени сурнай чалиб бериш учун чақиришибди. Атиги ўн дақиқага. Спектакл бошлангунча, тўй саҳнаси келгунча вақт ўтиб кетди. Шундай иккита қўшиқ айтдимки, томошабинлар спектаклни унутиб фақат мени тинглашди. Агар тун бўйи куйласам ҳам улар мени тинглашга тайёр эди,

— Мен машҳур шоир ва Олий Кенгаш Бошқаруви аъзоси Абутолиб Ғафуров ўрнида бўлганимда, театрга сурнайчи ролини ижро этиш учун бормасдим.

— Абутолиб нима қилиш кераклигини, нима қилмаслик кераклигини сендан яхшироқ билади.

— Нашриётга бордингизми, китобингиз чиқибдими?

— Оллоҳга шукур, китобим чиқибди. Оллоҳга шукур, озгина гонарар олдим. Оллоҳга шукур, қарзларимдан қутулдим. Оллоҳга шукур, бозордан ғоз сотиб олдим.

— Зиёфат қилиб бермоқчимисиз.

— Кимга?

— Муҳаррирга, рассомга, ҳисобчига, умуман, китобингизни нашрга тайёрлаганларга.

— Муҳаррирга зиёфат, — деди истеҳзо билан Абутолиб, — унга чалпак эмас, калтак бериш керак.

Абутолиб халқ иборасини ўз ўрнида қўллаганидан мамнун ҳолда жилмайди ва деди:

— Расул, эшитишимга қараганда, ўғлини суннат қилиш учун ётқизган раҳбарларни ишдан олишаётган эмиш, партиядан ўчираётган эмиш. Нега шеърни бурда-бурда қилиб, бўлакларга ажратаётган муҳаррирларни ишдан ҳайдашмайди? Шеърларимга қандай муҳаррирлик қилганига қараб, мен уларнинг қайси овулдан эканини бемалол айта оламан. Биз лакларда, ҳар қайси овулнинг ўз шеваси бор. Хуллас, муҳаррир шеърларимни ўз овулининг шевасига таржима қилибди. Кейин Абутолиб бир муддат тин олди ва яна жилмайди: — Менга шартномани қўл қўйиш учун берган аёл гўзал экан. Жуда гўзал! Мен шу аёлга катта раҳмат айтдим.

— Яна бирон нима дегандирсиз, ё совға бергандирсиз?

— Унга уйида қийшайган идишлари бўлса менга олиб келишини тайинладим. Янгидай қилиб таъмирлашга ваъда бердим.

Абутолибнинг бу гапи адабий кечада сурнай чалганидан ҳам ошиб тушди. Мен девор тагида тўпланган металл қолдиқлари уюмига қараб, истеҳзоли тарзда қариядан сўрадим:

— Илгаригидай мисгар бўлганингизда, металл қолдиқлари уюми бу ерда ётмасмиди? Сиз уларни йиғиб, уйингизга олиб кетармидингиз.

— Мен уларни олиб кетишга улгурмасдим, — деди соддадиллик билан Абутолиб, — бу ме-

талларни мен келгунча олиб кетишган бўларди.

Қаршимиздан кечга қолган йўловчи келарди. Абутолиб ўйлаб ўтирмай ундан тамаки, гугурт сўради ва чекди.

Нима ҳам дердим, менга Абутолибнинг бугун кўрсатган "томоша"лари ёқмади. Доғистон халқ шоири, Олий Кенгаш Бошқаруви аъзоси, бутун ўлкага машҳур одам саҳнага чиқиб сурнай чалса, нашриёт котибасига қийшайган идишларингни таъмирлаб бераман деса, кеч тунда Маҳалқалъа кўчасида учраган ўткинчи йўловчидан тамаки сўраб чекса? Албатта, дилимдан кечган гапларни айтмадим, уни ранжитиб қўйишдан чўчидим. Бу гапларнинг ўрнига мулозамат қилдим:

— Абутолиб, қартайиб қолдингиз, чекишни ташласангиз саломатлигингиз учун яхши бўларди.

— Ана шунақада, бугун тамаки чекишни ташла дейсан, эртага мисгарликни йиғиштир дейсан, индинга сурнай чалишни тўхтат дейсан. Бунақада юрагимдан чиқариб ёзмаётганимни сезган шеърларим мени ташлаб кетади. Улар Абутолибнинг мисгар, кашанда, сурнайчи эканини билишади ва шу ҳолимда севишади. Агар мен Абутолибга ўхшамай қолсам, сен айтгандай бошқа одамга айлансам, шеърларимга керакманми? Мен — Абутолиб Ғафуровман! Мен Расул Ҳамзатов эмасман, тамаки чекишни истамайдиган, мисгарликни эплай олмайдиган, лекин ёзувчилар уюшмасини бошқаришни уддалайдиган. Шунингдек, мен Юсуф Хаппалиев ҳам, Нуриддин Юсупов ҳам, Максим Горький ҳам, ва ҳатто Зошченко ҳам эмасман...

/Ўша вақтда Зошченкони роса танқид қилишаётганди, шунинг учун Абутолиб унинг номини тилга олганди/.

— Тоғ такасига тоғдан бошқа бекинадиган жой борми? Жилға дарадан бошқа қаёққа оқарди? Сен менинг бошимга ўзганинг бўркини кийдирма. Нега сен менинг ўтмишимни кавлаштириб қолдинг? Ҳа, мен илгари сурнайчи, чўпон ва мисгар бўлганман. Мен шундай ишлар қилганимдан ҳеч қачон тонмайман ва уялмайман. Ахир, мен ўша вақтда ҳам Абутолиб эдим. Расул, ҳозир сенга айтадиган гапимни эслаб қол: агар ўтмишга тўппончада ўқ узсанг, келажак сени тўпга тутади! Мен хотинларимни ташлаб кетдим, ёки хотинларим мени ташлаб кетишди. Лекин уддасидан чиқадиган ишларим мени ташлаб кетмайди, мен ҳам уларни ташлаб кета олмайман.

Ҳа, у отамнинг қадрдон дўсти, кекса шоир Абутолибдир. Унинг феъл-атвори шундай ва шундай феъл-атвори билан ҳурматимизга лойиқдир. Агар у феъл-атворини ўзгартирса Абутолиб ҳам, шоир ҳам бўлмай қоларди.

Яхшиси. мен сизга бу ажойиб инсон ҳақидаги бошқа бир воқеани сўзлаб берайин.

АБУТОЛИБНИНГ ЯНГИ УЙИ. Бу воқеа мен Доғистон ёзувчилар уюшмаси раислигига эндигина сайланган кезларим бўлганди. Раис лавозимининг мажбуриятидан кўра ҳуқуқи кўпроқ, агар ўзингга ўзинг саргузашт изламасанг, бемалол асосий ишинг — шеър ёзиш билан шуғулланишинг мумкин. Мен ўша вақтда ёш, ғайратли бўлганим учун ташаббус кўрсата бошладим ва янги лавозимимга боғлиқ ишларни топдим.

Ўйладимки, ўз уйининг мустаҳкамлигини билмоқчи бўлган одам тўсинларни, устунларни, умуман, таянч қисмларни бирбир кўздан кечиради. Англадимки, Доғистон ёзувчилар уюшмаси таянчи тўрт миллатга мансуб тўртта шоир экан: лезгин Тагир Хрюгский, қўмиқ Али Қозиев, авар Зоҳид Гаджиев, лак Абутолиб Ғафуров. Шунга боғлиқ тадбир ўтказишни режалаштирдим ва тўрт оқсоқол шоирнинг Доғистон ҳукумати раҳбари билан учрашувини ташкил қилиш ҳаракатига тушдим. Шоирлар ҳукумат раҳбарига ўз илтимосларини айтишади, ҳукумат раҳбари шоирларга ўз истакларини билдиради.

Мана ҳукумат раҳбари Абдураҳмон Дониёлов билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Давра суҳбатида расмиятчилик йўқ, бир пиёла чой устида давом этаяпти. Шоирлар хурсандчилигидан ет-тинчи осмонда, улар уюшманинг янги раиси Расул Ҳамзатов яхши одам эканлигини тўртта тилда гапиряпти. Дониёловга ҳам машҳур шоирлар давраси ёқиб тушган. У ҳам шундай учрашувни ташкил қилган Расулдан миннатдор.

Жуда ёзилиб Доғистон, ҳаёт ва шеър ҳақида қизғин суҳбат қурдик. Ниҳоят, ҳукумат раҳбари эриб кетиб, ҳар бир шоир ўзининг бирор илтимосини айтсин деди. Биринчи бўлиб Тагир Хрюгский бошлади.

— Ўртоқ Дониёлов, ҳар йили қаҳратон қиш бошланиши билан тоғдаги қўтонларда қўйларнинг кўпчилиги очликдан, совуқдан ўлиши мени жуда ранжитади. Наҳотки, ёзда чўпонларга ёрдамчилар бериб, қишга кўпроқ пичан ғамлаш мумкин эмас.

Дониёлов шоир гапларини дафтарига ёзиб олиб, яна сўради:

— Бошқа илтимосингиз йўқми?

— Яна, Хрюг овулидаги хўжаликка битта автомашина

ажратишнинг иложи борми?

Сўз навбати Али Қозиевга келди. Қозиев оғзини очиб бизга, шу жумладан ҳукумат раҳбарига чирик тишларини кўрсатиб деди:

— Овқатни чайнашга ҳам қийналяпман. Менга яхши, янги тиш қўйдиртириб бериш мумкинми? Тишсиз оғиз билан яхшилаб қўшиқ айтиб бўлмаса. Шеър ўқисам оғзимдан сўзларнинг ҳарфи тушиб кетаяпти.

Шу заҳоти Қозиев тиши тушган оғиз билан шеър ўқиш қийинлигини намойиш этди. У Хасавюрт шаҳар бошлиғига мурожаати битилган шеърини ўқиди. Шеърда кекса шоирнинг уйига кўмир сўраб ёзган илтимосномаси таъсирчан сўзларда ифодасини топганди.

— Сизга кўмир беришдими? — сўради Дониёлов.

— Бу ишни ўтган йилдан буён чўзиб келишяпти.

Дониёлов дафтарига ниманидир қайд этди ва биз Зоҳид Гаджиевни тинглашга тайёрландик.

— Ҳозирги ёшлар концертларда куйлаш ўрнига, нуқул бақиришади. Улар бу бақиришлари билан жуда яхши халқ қўшиқларимизнинг оҳангларини бузишяпти. Янги қўшиқлар ашулачиларнинг бақиришига мослаб ёзиляпти. Бунга чек қўйиш керак. Радиодан ҳам севги ҳақида ҳаддан ташқари кўп қўшиқ берилади. Айримларида фақат афсоналардаги пари чиройи мақталади. Ўртоқ Дониёлов, уларга айтинг, афсоналардаги пари чиройини эмас, қишлоқ хўжалигимиз илғорларини мақтаб қўшиқ куйлашсин.

Ўз нутқини тугатган Гаджиев мен томонга энгашиб, қулоғимга шивирлади:

— Эшитишимга қараганда кеча кечқурун Шахтамонов ва Сулаймонов ресторанда вино ичишибди. Ёзувчиларга ичкилик ичишни тақиқлаш керак. Бу масала бўйича сенинг олдингга алоҳида кираман.

Навбат Абутолибга етиб келди.

— Ҳурматли Абдураҳмон, — дея сўзини бошлади Абутолиб, — менинг охирги хотиним яқинда ўғил туҳфа қилди.

— Нега энди охирги хотиним?

— Менинг хотинларим кўп бўлган. Нима қилай, газеталарда суратимни босишади, радиода Доғистоннинг орден олган, депутат шоири деб мақташади. Енгил табиат аёллар бу мақтовларга учади. Машҳур шоир экан, демак, қасрда яшайди, сандиғида тўла бойлик деб ўйлашади ва менга тегишади. Кейин кўп қаватли уйнинг ертўласида кун кечираётган қашшоқ Абутолибни кўришади. Бу уларга ёқмайди ва ташлаб кетишади. Шунинг учун мен кўп бор уйланганман. Ҳа, ҳурматли Абдураҳмон, менинг қўшиқларим тўрғайлар каби кўкка интилишади, ўзим эса ҳамон ертўладаман. Мана шу ертўладан қўшиқларимни кўкка учираяпман. Менга ўғил туғиб берган охирги хотиним ҳам агар янги уй олмасам ташлаб кетишини айтди. У ўғлимни бағрига босганча кетади... Абдураҳмон, у ҳали кетмасидан юрагимнинг бир парчаси узилиб тушгандай бўлаяпти. Менинг оиламнинг бузилиб кетишига йўл қўйма, менга уй бер, токи кострюлимни плитага миндириб бемалол овқат қилайин. Ёшим ҳам етмишдан ошди, менинг умр аравам тепага эмас, тоғдан пастга шитоб билан тушаяпти. Агар менга янги уй ажратсанг, унга сени ҳам меҳмонга таклиф қилардим.

Ҳафта ўтмасдан Абутолиб янги уйнинг ордерини қўлига олди. Алвидо, жонажон ертўла! Абутолиб Пушкин кўчасида янги қурилган уйнинг учинчи қаватидаги уч хонали уйга кўчиб ўтди.

Бир куни кўчада Абутолибни учратиб қолдим. У мени кўриши билан ўзини металл уюмидан ниманидир излаётган одамга ўхшаб тутди.

— Ассалому алайкум, Абутолиб! Янги уйда қандай яшаяпсиз, ёқдими?

— Неча кундирки қўнғироқ излаяпман, уни уйимга осиб қўйиб чалганча Цада овулилик Ҳамзатнинг ўғлини меҳмонга чорлайман. Мен денгизга қараган деразамни уч марта очиб сурнайимни чалдим, сен сурнайимнинг овозини эшитиб меҳмонга келишингга умид қилгандим. Катта қўнғироқ топиб чалмасам, чорловимни эшитмайдиганга ўхшайсан. Қани, қўнғироқ излагани кетдик.

Мен ўша заҳоти Абутолиб билан унинг янги уйини кўргани бордим. Янги уйда тўртта девор бор эди, холос. Полда Абутолибнинг ертўладан олиб келган лаш-лушлари ётарди: эски сурнай ва най, темирчилик эски териси /худо билади, энди нимага керак бўлади/, эски керосинка, тоғора, кастрюль, челак, кўза, этик ва пўстин. Уйига тоғлик эски қадрдони меҳмонга келганга ўхшайди, бир четда унинг эски хуржуни. Албатта, тоғликлар шаҳарга фақат меҳмон бўлиш учун эмас бирор ишини битиришга келишарди. Абутолиб, бўш хуржунни қўлига олиб қойий кетди:

— Ярамас хуржун, нега бўмбўшсан? Агар сен қўй гўшти билан тўла бўлганингда, менинг меҳмонимнинг иши тезроқ битарди. Сен бўш бўлганинг учун қанча одам Чанг тоғидан шаҳар-

Рус тилидан
Асрор МЎМИН таржимаси.
(Давомли)

ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИГИ

Мусиқа ва қўшиқ инсон руҳиятида беқиёс ўзгаришлар ясайдиган санъат турлари сирасига киради. Тасаввур қилингки, дилгир кайфиятдасиз. Юрагингизга қил сиғмайди. Шундай чоғда радио ёхуд телевизорда дилрабо бир қўшиқ янграса, қулфи дилингиз очилади, ҳаётга меҳрингиз ортади, кайфиятингиз кўтарилади. Дарҳақиқат, қўшиқ ва мусиқа шундай илоҳий қувватга эга.

Ҳар бир миллатнинг онг даражаси ўша миллат санъат даражасига бевосита боғлиқ, дейдилар. Бинобарин, XXI асрга келиб қўшиқ санъати дунё миқёсида олдинги ўринларга чиқиб олди. Бугунги кунда санъат шинавандалари нафақат минтақамиз, балки жаҳон халқлари қўшиқларидан баҳра олишмоқда. Хусусан, Европа қўшиқлари улар эътиборини тортган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам эстрада қўшиқчилиги соҳасига жиддий назар билан қарала бошланди. Бу амал давлат миқёсига чиққани маълум. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ёш ижрочилар иқтидорига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, "Ниҳол" мукофотининг таъсис этилиши, "Ўзбекистон Ватаним маним" қўшиқлар — кўрик-танлови эстрада қўшиқчилигининг ҳам оммалашувига хизмат қилди.

Ёш истеъдодларни кашф этиш мақсадида республика миқёсида эстрада хонандаларининг турли мавзудаги танловлари ўтказилди. "Янги тароналар", "Садо" телевизион танлови, "Янги номлар", "Азиз она юртим наволари", "Юлдузча", "Умид юлдузлари", "Олтин Ҳумо" ёшлар танловлари шулар жумласидандир. Ушбу фестивал ва танловларнинг профессионал талаблари йилдан йилга ўсиб борди. Бу эса ўз навбатида янги истеъдодларни топиш билан бирга ёшлар маҳоратини ошишига улкан таъсир кўрсатди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат миқёсида "Наврўз" ва "Мустақиллик" байрамларини умумхалқ байрами даражасида ўтказиш расм бўлди. Бу анжуманлар доирасининг кенглиги, савияси юқорилиги диққатга сазовордир. Юқорида қайд этилган фестивал, кўрик-танловларда эстрада хонандалари ҳам фаол иштирок этишди. Шу баробарида улар истеъдодининг янгидан-янги қирралари очила борди.

Мусиқа ижодиёти оламида композитор, куй пардозловчиларнинг янги авлоди майдонга чиқди. Алишер Икромов, Анор Назаров, Дони Илёсов, Алишер Расулов, Султонали Раҳматов, Азиз Мансуров, Нодим Норхўжаев, Абдулазиз Карим, Муҳаммад Отажонов, Игорь Пинхасов, Хуршида Ҳасанова, Ойдин Абдуллаева, Дилшод Қурбонов каби композиторлар эстрада мусиқаси жанрларида ўзига хос йўналишлар яратишга муяссар бўлдилар. Бир қатор шоирларнинг, композитор ва ижрочилар билан ҳамкорлиги ҳам самара бермоқда.

Шуни унутмаслик жоизки, эстрада санъати шаклланишига катта авлодга мансуб композиторлар ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар. И.Акбаровнинг "Ёр кел", "Раъно", "Қайдасан", И. Левиев ва М. Бурхоновнинг "Мафтунингман" кинофильмига ёзган қўшиқлари, Дони Зокировнинг "Кўчалар", Х.Изомовнинг "Гул сотаман", Ғафур Қодировнинг "Мирзачўл ёр-ёри", Ш.Рамозоновнинг "Наманган олмаси", Э.Солиҳовнинг "Қиз бола", "Умид учқунлари" каби қўшиқлари ҳеч қачон халқимиз хотирасидан ўчмайди. Чунки, бу қўшиқлар бетакрорлиги, ёрқин миллий колорити, ёқимли куйи билан санъатимиз тарихининг улкан бўлагига айланган. Қувончли жиҳати шундаки, "эски" ашулалар замонавий йўсинда қайтадан жонлантирилди. Авлодлар ўртасидаги ришталар мустаҳкамланди.

Жаҳон эстрада санъати осмонида турли миллатга мансуб "юлдуз"ларнинг порлаб чиққани бу санъатнинг устивор мақомга кўтарилганига далилдир. Чунончи, Пол Робсон, Шарл Азнаур, Мирей Матье, Селен Дион, Джо Дассен, Ив Монтан, Хьюстон, Даяна Росс, Иброҳим Тотлисас, Ажда Пекан каби донгдор хонандалар ижрочилик услуби бетакрорлиги билан олқишларга сазовор. Шу қаторда ўзбек

эстрада қўшиқчилиги тараққиёти тадрижини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Ўзбек эстрадаси хонандалари ҳам жаҳон эстрада юлдузлари галереясида муносиб нуфузга эга. Улар орасида Тамарахоним, Муҳиддин Қориёқубов, Ҳалима Носирова, Ботир Зокиров, Раъно Шарипова, Юнус Тўраев, Клара Жалилова, Фаррух Зокиров каби хонандалар номини алоҳида қайд қилмоқ жоиз. Бугунги кунда эса Юлдуз Усмонова, Кумуш Раззоқова, Равшан Намозов, сингари кўплаб эстрада хонандалари замонавий ашулачилигимизни дунё миқёсига олиб чиқиш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишмоқда.

Мустақилликдан сўнгги йилларда ёш хонандаларимиз жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган танлов ва фестивалларда иштирок этиш имкониятларига эга бўлишди. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Севара Назархоннинг Оврўпо, Америка ва Япония мамлакатларида ўтказилган гастрол сафарларида ўзбек эстрада қўшиқчилиги мақоми эътироф қилинди. Севара ўз ижодида "Этно-жаз" ҳамда "Этнопоп" мусиқий услубларини ўзаро уйғунлаштирди. У оврўпоча товушларни миллий чолғулар — дутор, танбур, най, дойралар воситасида вобаста қилиб, бетакрор ижрога эришди. Севара Назархон иқтидорига, ижрочилик усулларига аксари Ғарб санъатшунослари тан беришдики, бу ҳол миллий эстрадамиз қисман жаҳон миқёсига чиққанлигини далиллайди. Айни вақтда эстрада оламининг бошқа вакиллари ана ўша муваффақиятлардан муайян хулосалар чиқаришмоқда.

Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, Севара Назархон доимо бугуннинг талабига жавоб бера оладиган замонавий талқинларни излайди. Бунга мисол қилиб қадимий халқ қўшиғи "Йўл бўлсин"ни кўрсатиш мумкин. У ўз ижро услубида ўтмиш хонандаларига асло тақлид қилмайди. Халқ мусиқаси анъаналарига таянган ҳолда бетакрор талқин услубини топади. Бинобарин, хонанда истеъдоди ранг-баранглигини эътироф этиш жоиздир.

С. Назархон Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада хонандалиги кафедрасининг биринчи қалдирғочларидан. 1980-1990 йилларга келиб, эстрада санъати жабҳасида профессионал таълим йўналишини йўлга қўйиш эҳтиёжи туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида эстрада санъати факультети очилди. Санъатнинг ушбу тури олий таълим даражасига мос ҳолда ўқитила бошланди. Қисқа фурсат ичида кафедра олий таълим ўчоғи эканлигини намоён этди. Ўзбек эстрада санъати довруғини ошириш билан бирга талабалар хорижий юртлар қўшиқларини ҳам ижро этишди. Севара Назархон, Сўғдиёна (Оксана Нечитайло), Дилноза Исмияминова, Айсел Балич, Диана Зиятдинова, Манзура Йўлдошева, Лола Аҳмедова, Ҳулкар Абдуллаева, Замира Орипова каби кафедра талабалари "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлишди. Жаҳоннинг йирик-йирик мамлакатларида ўтказилган танлов-кўрикларда қатнашиб, юқори ўринларни эгалладилар.

Мухтасар қилиб айтганда, кейинги ўн олти йил мобайнида ўзбек эстрада қўшиқчилиги юксак поғонага чиқди. Аммо, афсуски,

— ЮКСАК ПОҒОНАДА

санъатшуносларимиз ана шу воқеликни илмий жиҳатдан таҳлил этиб беришда сустқашликка йўл қўйишмоқда. Ҳар бир эстрада хонандасининг ижрочилик услуби илмда ўз таҳлилини топаётгани йўқ. Оқибатда айрим оммавий газеталар бошловчи хонандалардан "юлдуз" ясашмоқда. Уч-тўртта қўшиқ айтиб, тақлиддан нарига ўтаолмаган ҳаваскорларни кўкларга кўтаришмоқда. Ўйлаймизки, бу ўткинчи ҳолдир.

Ўзбек эстрада қўшиқчилиги жаҳон миқёсида ўз ўрнини топиши муқаррар. Алалхусус, шу йўлда шоирлар, композиторлар, ижрочилар, санъатшунослар қўлни қўлга бериб меҳнат қиладилар. Истиқлол яратган имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланадилар, деб ўйлаймиз.

Дилором ОМОНУЛЛАЕВА

Жиноят содир бўлди. Ёш қизчанинг номусига тажовуз қилинди. Тезкор гуруҳ жиноят қилганларни аниқлаш бўйича ишга киришдилар. Жабрланувчининг берган кўрсатмасига биноан гумондор шахслар терговга тортилди. Улардан бири шу қизчанинг айтганларига тўғри келгани учун прокурор кўрсатмасига бино-

ФАНГА БАҒИШЛАНГАН УМР

ёхуд Устоз эксперт ҳаётига бир назар

ан ҳибсга олинди. Бу пайт экспертиза хулосалари мукаммал эмас эди. Далилий ашёлар, қон гуруҳлари ва бошқа тақдим қилинган нарсалар экспертиза текширувидан ўтказилганида унинг хулосасига кўра, ҳибсга олинган шахснинг айбдор эмаслиги аниқланди.

Гумондорнинг айби йўқлиги қизчага айтилганда, унинг ҳақиқатни айтишдан бошқа чораси қолмади. Жиноятни содир қилган киши унинг ўгай отаси бўлиб чиқди. Ёш эксперт Жалил Жалолович олтмишинчи йиллари Самарқандда эндигина иш бошлаганида, бир неча кишиларни тухмат балосидан асраб қолган эди.

Ўтган чорак аср давомида бундай мисолларнинг саноғи йўқ. Бу ишга у умрини бахш этди.

Жалил Жалолович 1932 йил 26 апрелда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1949 йилда ўрта мактабни муваффақиятли битириб, шу йили Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга қабул қилинди. Ўқиш жараёнида талабалар илмий анжуманларида маърузалар билан қатнашади. 1955 йилда, институтни имтиёзли диплом билан тамомлагач, тери-таносил касалликлари кафедрасида клиник ординатурага қолдирилди.

1957 йилдан бошлаб 1968 йилгача Самарқанд вилояти суд тиббиёти бюросида, суд тиббиёт эксперти, кейинчалик

бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келди.

У амалиёт билан бирга илмий ишларни ҳам олиб боради. 1967 йили изланувчи сифатида профессор Л. М. Эйдлин раҳбарлигида тиббиёт фанлари номзодлиги диссертациясини ёқлади. 1968 йилдан 1975 йилгача Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг суд тиббиёти кафедрасида ассистент, кейинчалик катта ўқитувчи лавозимларида ишлаб, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади.

1975 йилда танлов асосида Тошкент Давлат тиббиёт институтининг суд тиббиёт кафедрасида доцент, 1976 йилдан 2004 йилгача кафедра мудири лавозимида ишлаб, ўз фаолиятини давом эттирди. Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти кафедрасининг профессоридир.

У илмий изланишларни давом эттириб, москвалик профессор, генерал-майор В. В. Томилин раҳбарлигида 1982 йил докторлик диссертациясини ёқлади. 1983 йилда биринчи бўлиб Ўзбекистон суд тиббиёти фанидан (нафақат Ўзбекистонда балки Ўрта Осиёда) профессорлик унвонини олишга муяссар бўлди. У 200 дан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифи, 1 докторлик ва 10 дан ортиқ номзодлик диссертацион ишларга раҳбарлик қилди. 1992 йил Ўзбекистонда "Суд тиббий экспертиза илмий ўқув-амалий бирлашмаси" ташкил топганда, у бирлашма директори этиб тайинланди.

1997 йили домла Нью-Йоркда бўлиб ўтган симпозиумда қатнашиб, АҚШда ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқилган хроматографик усулларнинг айрим биологик объектларни текширишда қўлланилишининг гувоҳи бўлган.



Жалил Жалоловнинг кўп қиррали илмий фаолиятида педагогик ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг маъруза ва амалий машғулотларига талабалар қизиқиш билан қатнашадилар. "Лабораторное исследование вещественных доказательств" (Д.Д.Джалолов, Р. А. Исаева, Б. С. Абдуллаев, 1983) номли китобчасидан медицина институтлари суд тиббиётидан ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилади. Унинг 1992 йили чиққан суд тиббиётидан русча-ўзбекча атамалар луғати, 1995 йили нашр этилган "Суд тиббиётидан далолатнома" номли китоби ва "Қотиллик, суицидлик, бахтсиз ҳодисаларнинг механик асфиксия орқали содир этилиши" (Д.Д.Джалолов, И.И.Баҳриев, Т.М.Жовбуриев — 1998 й) рисоласи суд тиббий

экспертлари учун амалий қўлланма бўлиб қолди.

1996 йили биринчи бўлиб Жалоловнинг суд тиббиётидан дарслиги ўзбек тилида чоп этилади. Профессор томонидан жабрдийдаларни экспертизадан ўтказиши, далилий ашёларни текшириш бўйича маслаҳатлар бериш услуби чуқур билимга бой тажрибага асосланган билан ажралиб туради ва кафедрада ёш малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади. 1976 йилдан бошлаб ҳозиргача кафедра бош бюро ва Тошкент шаҳар экспертларига катта мураббийлик ёрдамини кўрсатади, уларнинг илмий мақолалари чоп этилишига ва малакасини оширишига кўмаклашади.

Жалил ака ҳозирги вақтда Тошкент Тиббиёт Академияси суд-тиббиёт ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси профессори шу билан бирга Тошкент шаҳар суд тиббий экспертизаси бюроси 1-филиалининг мудири.

Жалил аканинг кўпгина шогирдлари ва талабалари илмий педагогик жамоаларнинг раҳбарлари ва етакчи ходимлари бўлиб етишдилар. Чунончи, профессор З.А.Ғиёсов Республика суд тиббий экспертизаси бош бюросининг бошлиғи бўлса, доцент Б.А.Ешмуратов Тошкент шаҳар суд тиббий экспертиза бюроси бошлиғи. Унинг шогирдлари нафақат Республикамизда балки Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида доцент А.А.Айдарқулов бюро бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқдалар. Доцентлар И.И.Баҳриев, Э.Х.Жуманиёзов, т.ф.н.Ф.Н.Лочинов, ассистент Т.М.Жовбуриев, Т.Ж.Аҳмедовлар Тошкент тиббиёт академиясида ва суд тиббий экспертиза бюросида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. А.Кучкинов Сурхондарё вилояти районлараро экспертизасининг бошлиғи. Б.С.Абдуллаев Самарқанд Давлат Тиббиёт Олийгоҳининг доценти, паталогик анатомия кафедрасининг мудири.

Шу ўринда бу муваффақиятларнинг асосчиси бўлмиш муҳтарам аяларини эсламасдан иложимиз йўқ:

Жалил ака 1949 йилда уларнинг оиласи отадан жудо бўлди. Бунинг устига урушдан ке-йинги тақчилликлар бир этак бола билан қолган Барноой ая оиласини четлаб ўтмади. Ая фарзандлари Жалил, Халил, Жомол, Камол ва Ўринбойларни ювиб-тараб ўстирди, уларни зиёли қилиб тарбиялади.

Жалил аканинг умр йўлдоши Мамлакат ая — ўқитувчи, ўрта таълим мактабида кўп йиллар ўз билимини ёшларга бериб, ҳозирги вақтда нафақада. Ўғли Ўктам Жалилович олий маълумотли, ҳозирги вақтда врачлар малакасини ошириш олийгоҳида акушер доялик кафедрасининг доценти. Қизи Засмира Жилоловна "Карима" хусусий шифохонасида ультра товуш диагностика шифокори. Манзура Жилоловна шифокор-эндокринолог. Шоира Жилоловна Тошкент Миллий Университети биология кафедрасининг ассистенти. Жалил ака 16 та невара ва 1 та эваранинг бобоси ҳамдир.

И. И. БАҲРИЕВ,
Тошкент Тиббиёт Академиясининг доценти
Т. М. ЖОВБЎРИЕВ,
Тошкент шаҳар Суд тиббий эксперти

ҒАЗАЛЛАР

Ғам даштида қолдим бугун ошиғи бечораман,
Унут бўлмас Лайли ҳажри Мажнуни девоналаман.

Кўзим гирён, созим нолон айрилиқ кундур бу кун,
Вафоким кўрсатдим аммо вафога бегоналаман.

Ғамим бирён, алам бирён, эзади жонни ҳижрон,
Канди зиндон эрур ошиқ, телбаи афсоналаман.

Вафо билмас ул ситамгар жонима жафо этмиш,
Ғам ўтида ёниб битган кулбаи вайронаман.

Тун йиғларам, кун йиғларам ўртанар жоним менинг,
Сўрар бўлсанг ҳолим маним ҳасрати ғамхоналаман.

Ҳолим сўраб келмас ёрон оқимдан куяр жаҳон,
Карбало даштида энди ёлғиқи афғоналаман.

Айни кўклам кундур бугун лолазор ўлди ғунчалар,
Абрў найсон умид Ўктам тоабад сарсоналаман.

* * *

Малоҳат гулшани шами шабистоним мунаввар қил,
Эй шам, телба парвонани оташингга мустамар қил.

Эй сен малоҳат мулкининг кўрки мунаввар, менинким,
Етти иқлим безагига шаҳаншоҳу музаффар қил.

Хуснинг гулидан мунаввар ўлсин десанг кўнгилларни,
Сочинг ғамзасига мени бечорани тақовар қил.

Шаму шабистон мулкининг тожи тождору сарвари,
Муруввват нурингга жонимни муқанбар қил.

Дийдоринг майига сархуш ўлсин десанг бу Мажнунни,
Икки қошу икки кўзт мулкига мени сарвар қил.

Ўзинг кишвар, ўзинг меҳвар, ўзингдирсан шамсу қамар,
Малоҳат гулшанин шами шабистонига меҳвар қил.

Йиғламакдан толди кўзим, ёшига ғарқ бўлди Ўктам,
Фано мулкин тарк этса ғар бақо аро мўътабар қил.

* * *

Ғамдан халос ўлмас жонон ташлаб мени ғам устина,
Парвонадай шаҳид этмиш ташлаб тунлар шам устина.

Кир лаҳзаким шоҳлик қилсам жаннат янглиғ нур чеҳрага,
Қосмас эрдим пешонамни ҳижрону алам устина.

Каским, чекиб фарёд пинҳон, юз баҳорни хазон қилиб,
Ҳасрат юкин ортдим нечун фанои олам устина.

Маҳшар тонги отгач ё раб, қай юз бирла қарар юзга,
Ул лўливаш қанли ашким тўкибон қалам устина.

Кечириб ору номусдан, кечириб тахту равондан,
Бошоқлик ўкин ёздирди менингдек мулзам устина.

Ишқ бозори касод ўлди, касод ўлса харидори,
Унут Мажнун конларини сочингиз малҳам устина.

Фалак ортиқ азобларин ортдиким Ўктам устина,
Ташнадурман ишқ гулига ёпингиз танам устина.

* * *

Ҳеч кими меним киби ўлмасин ёрга ғадо
ёхуд ёрни этмасин мен киби зорга ғадо.

Ким ўлди ёрга ғадо аввал ул ишққа ғадо,
Асли Тенгрига ёхуд номусу орга ғадо.

Менким ўлдим улусга магар Ватанга ғадо,
Дегил ундан-да ҳазин ошиғи торга ғадо.

Ишқ аҳлига фаною бақода йўқ имтиёз,
Хотирсиз икки юртда ўлдим хуморга ғадо.

Ким ўлди, ё раб, шаънга, кавсар, ризвонга ғадо,
Мен ўлдим ёра, ора, нури туморга ғадо.

Тиладим ўлсин ғадо, ўлмади кимса ғадо,
Ғадо ўлдим ҳар касга, бани дилдорга ғадо.

Деди ул: "Майга ғадо", Ўктам Тенгрига ғадо,
Умр ўтди фанода бўлиб бедорга ғадо.

ЎКТАМ

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидай “Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир”. Шахс-Давлат-Жамият деган асосий тушунчалар бугунги таълим жараёнининг энг ўзак нуқталарини ташкил этаётганлиги сир эмас. Айни мана шу учта асосий нуқта таълим жараёнининг мақсадини белгилайди, мазмунини муайянлаштиради, унинг натижаларини ўзида мужассамлаштиради. Агар биз жамият тараққиётининг қадимги даврларидан бошлаб бизнинг замонимизгача бўлган ривожланиш йўлига назар ташлайдиган бўлсак, унда мана шу учлик орасидаги уйғунлик ёки ноуйғунлик муносабатларига кўра ривожланишнинг турли йўлларидан борганлигини кузатишимиз қийин кечмайди.

Ҳилма дер, эшитгин, ЎҒИЛЛИК КИШИ

Шарқда қадим-қадимдан Шахснинг жамият ва Давлат билан уйғунлик даражаси эътиборда турган. Айтиш мумкинки, шахснинг ўзига хосликлари, фақат унинг ўзидагина мавжуд бўлган ҳислатлари инкор этилмагани ҳолда, унинг жамият билан мувофиқ бўлиши рағбатлантирилган. Ўн биринчи асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб шундай ёзади:

Кишилар ара, кўр, киши ул бўлур,
Анингдин кишилар асиғлар булур.
яъни,
Одамлар орасидаги ҳақиқий одам шу бўладики, қарагин,
Ундан бошқалар наф, манфаат топади.

Ҳатто, адиб жамият манфаатларига бўйсунмайдиган ёки шундай манфаатларни тан олмайдиганларни кишилик жамиятига даҳлдор деб ҳисобламаслик керак, деган нуқтаи назарни ёқлайди. Уларни тўғридан тўғри ўлик ёки ҳайвон деб аталишини маъқуллайди:

Кишика тосулмас киши-ул ўлуг,
Тўсулғил, ўлуг болма, эрсиг, кулуг.

Кишига наф келтирмайдиган киши ўлукдир,
Наф келтир, ўлик бўлма, (эй) мард, шухратли.

Ҳатто инсоннинг билим эгаллаши, маънавий жиҳатдан бойиши ҳам фақат шахсий манфаатлар билан эмас, балки жамият ва давлат талабалари билан алоқадор ҳолда тасаввур этилади. Шунда ҳам унинг бошқаларга, демакки, жамият аъзоларига кўрсатиши мумкин бўлган ёрдами, етказиши мумкин бўлган наф ва манфаатлар эътиборга олинади:

Билиг бирла йанглуқ бедуб жавланур,
Кишиларда устар, қамуғ иш унур.

Билигсиз киши — ул қуруқ сир, бедиз,
Билиглик киши ўрни кўкда адиз.

Уқушлуғ керак ишта артиғ удуғ,
Удуғлуқ била ишта тутнур йудуғ.

Уқуш бўлса асғи эди-ўк ўкуш,
Қамуғ эзгулик улгу-ул бу уқуш.

Уқушсиз киши-ул — йемишсиз йиғач,
Йемишсиз йиғачиғ неку қилсун ач.

Билим туфайли одам буюклашиб, шуҳрат топади,
Кишилар орасида юқорилашади, (ўсади),
барча иши унади.
Билимсиз киши қуруқ бўёқ (савлат) ва суратдир,
Билимли кишининг ўрни кўкдан ҳам баланд.

Ишларда ўта зеҳнли ва зийрак (бўлиш) керак,
Зийраклик туфайли ишларда гуноҳларга
тойилишнинг олди олинади.

Зеҳн бўлса, нафи жуда ҳам талайдир,
Ҳамма эзгуликлар мояси шу зеҳндир.

Зеҳнсиз киши мевасиз дарахтдир,
Мевасиз дарахтни оч (киши) нима қилади.

Бугунги таълим-тарбия жараёнларида ўзаро қарама-қарши бўлган иккита йўналишнинг ёнма-ён келиб қолганлигини тан олишга тўғри келади. Буларнинг биринчиси алоҳида олинган Шахснинг ҳар томонлама ривожи, ривожланиш эҳтиёжи ва мажбурияти билан боғлиқ. Унинг иккинчи томонида ана шундай ҳар томонлама камол топган Шахсга нисбатан эҳтиёж ва зарурат сезиб турган Жамият турибди.

Айни пайтда ушбу Жамият алоҳида Шахс манфаатларининг ўзига уйғун ва муносиб бўлишини ҳам тақозо этади. Бу ўз-ўзича содир бўладиган ҳодиса эмас, балки муайян тарбия жараёнларини, таъбир жоиз бўлса, мукаммал тарздаги яхлит бир тизимни тақозо этади. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мана шу тизимнинг мустаҳкам пойдевори бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Биз тарбия жараёнлари ҳақида гапирганимизда тарбиянинг макони ва тарбиянинг замони ҳақида ҳам гапириб ўтишга зарурат сезамиз. Миллий-маънавий қадриятларимиз хазинасида бу борада ҳам бой дурдоналар тўпланганлигини эътироф этишимиз ўринли бўлади. Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий, Муқимий, Фурқат сингари буюк сиймоларимизнинг асарлари ана шундай олтин хазина жавоҳирларидир.

Ўтмишда яратилган улкан моддий ва маънавий меросимиздан унумли фойдаланишимиз, уларнинг улкан тарбиявий аҳамиятидан замондошларимизни, айниқса, ёшларимизни кўпрок баҳраманд этишимиз зарур. Шу ўринда буюк Амир Темур бобомизнинг қуйидаги ҳикматларини эслаш ўринли бўлади: "Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб, зиёратни ўринлатдим.

Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат билишди"

Шу ўринда музейлар имкониятини эслаш жоиз кўринади. ёшларимизнинг ўтмиш билан юзма-юз бўлишларида, ўтмишнинг "ҳидини ҳис этишларида" уларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Фақат бу ишнинг режали ва узлуксиз бўлишига эришмоқ лозим.

Буюк мутафаккирларимиз тарбиянинг дастлаб бевосита оила билан алоқадорлигини қайта-қайта таъкидлашган.

Татар халқининг истеъдодли фикр эгаларидан бири Ризоуддин ибн Фахриддин ўзининг "Оила" номли асарида шундай мулоҳазани келтиради: "Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз ё бўлмаса ҳеч бир замон эътибор бермасдан келадиганимиз бўлмиш оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қурар. Худонинг ўзи асрасин-ку, агар бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса, у миллат китобининг сўнгги варағи очилгусидур".

Абдурауф Фитрат айтганидек, "оиланинг шаклланиши, яъни аҳли байт жамоаси, бошқача айтганда, оила бошқаришга асос солиш бани Одам малданиятининг асоси экан".

Яна Юсуф Хос Ҳожибга мурожаат этайлик. Буюк мутафаккир, фарзандлар табиатида содир бўладиган фазилат ва нуқсонларнинг сабабчиси боланинг ўзи эмас, балки унинг ота-оналаридир, деб қайта-қайта таъкидлайди. Айниқса, ота тарбиясининг бош омил эканлигин махсус уқтиради:

Неку тер, эшитгил, ўғуллуғ киши,
Башинда кечурмиш, йетилмиш йаши.

Кимунг ўғлағу бўлса ўғли-қизи,
Ангар йиғлағу бўлди мунглуғ ўзи.

Кичигда ата ўғлин идса йава,
Ўғулдун йазуқ йўқ, атадин жафа.

Ўғул-қиз эсиз бўлса, қилқи, йанги,
Ул эсиз ата қилди, андин ўнги.

Болали киши нима дейди, эшиттин,
Ёши етилган ва бошидан
ўтказган киши:

Кимнинг ўғил-қизи эрка бўлса,
Унга шу кишининг ўзи мунгли
бўлиб йиғлайди.

Ота-болани кичиклигидан бебош
қилиб қўйса,
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо
отанинг ўзида.

Ўғил-қизнинг хулқ атвори
ярамас бўлса,
Бу ярамас ишни ота қилган
бўлади, ундан бошқа эмас.

Оддийгина бир ҳаётий мантиққа қулоқ берайлик: агар ҳар бир оиладаги фарзандлар тарбияси ота-оналарнинг доимий эътибор ва назоратида бўлса, бундай оиладан ноқобил ва номуборак феъл-атфорли боланинг чиқиши мумкин эмас. Агар бутун маҳалла шунга эътибор берадиган бўлса, демак, шу маҳаллада жамият учун муносиб фарзандлар етишадиган муҳитнинг мавжудлиги ҳақида гапира оламиз. Борди-ю, шу ҳудудни кенгроқ тасаввур қилсак-чи?! Унда бутун туман, шаҳар, вилоят ва табиийки, бутун мамлакатда ҳам мана шундай тарбия муҳити шаклланади, деб айта оламиз. "Бирники мингга, мингники туманга" деганлари бежиз эмас-да!

Агар Республикамиздаги таълим-тарбия жараёнларининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида олиб борилаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, табиийки, тарихдагина эмас, бизнинг замонимиздаги зиммамизга юкланган ва ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳам оз эмаслиги намоён бўлади.

Албатта, бизнинг замонамиз фикрлар хилма-хиллиги, қарашларнинг ниҳоятда ранг-баранглиги билан, дидларнинг, таъбир жоиз бўлса, олачипорлиги билан характерланади. Аммо буларнинг барчаси талабларнинг яхлит ва ягоналигига монелик қилолмайди. Ваҳоланки, биз ўқитувчи кадрларни тайёрлаймиз. Бу кадрларни, биринчи навбатда, Республикамиздаги таълим муассасаларига мўлжаллаб тайёрлашимиз ҳам бор ҳақиқат. Шундай экан, таълим-тарбия жараёнларида ягона давлат талабларининг мавжудлиги ҳам, унинг бажарилиши мажбурий эканлиги ҳам шу куннинг талаблари фонида мантиқийлигини тан олмасликнинг иложи йўқ. Фақат буларнинг ёнига тарбиявий ишларни амалга ошириш ҳар доим ҳам индивудуал ёндошув ва ижодийликни талаб этишини ҳам қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз таълим муассасаларида замонавий, ҳар томонлама баркамол, ўз ишининг нозик сирларини пухта эгаллаган мутахассисларга "ташналик" борлигини инкор эта олмаймиз. Демак, битирувчиларимизга қўйиладиган талаблар ва бу талабларга мувофиқликни таъминлаш йўлларини пухта ўйлаш зарурати бор. Бугун умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар орасида айрим ҳолларда тарбиявий тадбирларни ўтишда қийинчилик сезаётган, бу ишларда нўноқлик қилаётган педагогларнинг кечаги талабамиз эканлигини тан олишимиз керак. Шунинг учун ҳам, битирувчиларга амалий йўналтирилган билимларни бериш, уларнинг тарбиявий тадбирларни уюштириш, ташкил этишга оид кўникма ва малакаларини шакллантирадиган, такомиллаштирадиган чора-тадбирларнинг изчил ва пухта тизимини яратиш, уларнинг энг замонавий педагогика технологиялар ичида яшайдиган, улар билан эркин нафас ола биладиган, тарбиявий ишларда дифференциал ва индивудуал ёндо-

шувни амалга оширa оладиган, ҳар қандай ҳаётий вазиятларда ҳам энг муносиб ва ўринли ечимларни топишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлашдан барчамиз манфаатдор бўлишимиз керак.

Айниқса, тарбиявий ишларни ташкил этишнинг замонавий методикаси билан қуроллантириш талабаларимизнинг ушбу жараёнлар ичида сувдаги балиқдай эркин ҳаракатланишларига имкон беради, уларнинг қанотини ёяди, ўзларини ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам эркин тутиб, энг муносиб ва мос тадбирлар белгилашнинг уддасидан чиқа оладиган мутахассис бўлишади.

Бунда олий таълимнинг ўрни ва аҳамияти ҳам ниҳоятда беқиёсдир. Эндиликда яхшигина йўлга тушиб келаётган устоз ва шогирдлик муносабатларини янада илиқлаштириш, жипслаштириш, кенгроқ ёйиш зарурати сезилади. Шунга эришиш лозимки, бакалавриатнинг биринчи босқичига келган талаба ўзи устоз деб билган, таниган, тан олган мураббий-педагог билан магистратурада ҳам, керак бўлса, аспирантура ва докторантурада ҳам бирга ишлашда давом этсин. Олий таълимнинг битирувчилари билан алоқалар ҳам бу борада яхши самара беришига шубҳа йўқ.

Ўқувчи ва талабаларимизнинг китобхон бўлишларига интилишимиз ҳам зарур бўлиб турибди. Бунда уларнинг фақат ниманидир ўқиши, уларнинг касбий фаолиятларига ёрдам берадиган адабиётлар билангина чекланиб қолмасдан, ёшларимизнинг том маънодаги бутун Шахс бўлишларига, маънавиятлари бой ва собит ҳолда шаклланишларига ҳам эътибор керакдир. Машҳур филолог ва педагог Михаил Гершензон бундан юз йил олдинроқ шундай деган эди:

“Албатта, болалар ўзларига ҳузур берадиган ҳамма нарсаларни ўқишлари шарт эмас, аммо ўқийдиган нарсаларининг ҳаммаси уларга ҳузур бериши шарт... Тарбия ҳузур (лаззат)ни инсоннинг доимий йўлдоши ва дўстига айланиши учун ғамхўрлик қилиши керак, адабий дидни тарбиялаш бунинг энг тўғри йўлидир. Чунки поэтик ҳис қилиш қобилияти... энг кенг тарқалган эстетик туйғудир”.

Алишер Навоий инсоннинг шахсий фазилатлари, имконият ва иқтидорининг бир хил эмаслигини, уларнинг ҳар бир алоҳида олинган кишиларда бошқа-бошқа тарзда намоён бўлишини таъкидлаган эди:

Тахаййул аро барча бир навъ эмас,
Ҳадисин икки киши бирдек демас.

(Барчанинг фикрлаши, хаёл қилиш тарзи бир хил эмас, иккита одамнинг нутқи ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди).

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, тарбия жараёнида ҳар бир шахсга, ҳар бир ўқувчига унинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда муносабатда бўлишгина тегишли самара беради.

Шу ўринда Хитой халқининг машҳур бир мақолини эслаш ўринли бўлади:

“Инсоннинг қўлига бир дона балиқ бер — у бир кун тўқ бўлади, унга балиқ тутишни ўргат — у бутун умри давомида тўқ юради”. Буларнинг барчаси тарбия тизими ва жараёнида тасодифий нарсаларнинг йўқлигини, унинг ҳамма бўғинлари ва жабҳалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди. Ҳамма гап бор куч ва имкониятларни шу йўналишга тўла ва унумли сафарбар қилинишида қолган холос.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор, ТДПУ «Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси» кафедрасининг мудири.

ЎҚИТУВЧИГА методик ёрдам

Маълумки, инсоннинг маънавий камолотини таъминлашда мактабда адабий таълим айрича аҳамият касб этади. Чунки мактабдаги бирорта ўқув фани инсон руҳиятига адабий таълимчалик таъсир кўрсата олмайди. Ҳар қандай билим юртида ҳам адабиёт дарсларининг асосий предмети - инсон. Ўқув фанлари орасида фақат адабиёт дарсларидагина инсоннинг туйғулари, шодлигу қайғулари, бахтию бахтсизликлари ва бу ҳолатларнинг сабаблари адабий қаҳрамонларнинг тақдири мисолида кенг ракурсларда таҳлилга тортилади, тасвирлаб берилади. Янгиланган педагогик тафаккур шароитида таълим-тарбиянинг самарали ҳал этилиши лозим бўлган талайгина муаммолари бор. Методист олима Қундузой Ҳусанбоева томонидан нашр эттирилган "Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари" номли монография умумий ўрта таълим мактаблари, лицей ва коллежларнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари, илмий ходимлар ҳамда педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, адабий таълим олдидаги бир қатор долзарб муаммоларни ҳал этишга бағишланган китобдир.

Муаллиф ўз китобида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш масаласини мамлакат таълим тизимидаги энг долзарб муаммолардан бири деб билади ва бунинг сабабларини таълим тизимининг табиатидан қидиради. Тарбияшунослик илми ва амалиёти узоқ вақт мобайнида: "...ўқувчига тайёр билимларни беришнинг хилма-хил усулларини ўйлаб топди. Кўпроқ билим ўзлаштирилиши учун ҳар хил кўргазмали қуроллар ва техник воситалар ишлаб чиқарилди. ...Ўқувчининг руҳий-миллий хусусиятлари, интеллектуал имкониятлари, билим олиш ва тарбияланиш йўлидаги эркинлиги масаласи етарлича ҳисобга олинмади. Шунинг учун ҳам берилган билимлар болаларнинг аксариятига «юқмади». Уларнинг кўпчилиги мактабдан, ўқишдан, китоб мутолаасидан безиб кетди. Ҳамиша ўқитувчини тинглайвериш, тайёр билимларни ёдлайверишдан қутулиш учун ўқимайдиган бўлиб қолди", - дейди.

Қ. Ҳусанбоева шўро даври педагогика илми ва амалиётида йўл қўйилган бундай иллатларни бартараф қилишнинг энг ишончли йўли сифатида: "Дунёни ҳаракатга келтирувчи куч – инсоннинг тафаккури қанчалик мустақил бўлса, у шунчалик ташаббускор бўлади. Фикрлаши қанча эркин бўлса, шунча изланувчан, шу даражада ижодкор бўлади. Унинг эркига, шахсиятига, туйғулари ва руҳиятига дахл қилинмаса бас. Шаклланиб келаётган шахс оилада катталар, мактабда ўқитувчилар ҳукмронлигидан қутулса, таълим-тарбия жараёнида унинг руҳий, ақлий, жисмоний имкониятларига қараб иш тутилса, болада ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарликни ҳис қилиш туйғуси пайдо бўлади. У ўз фикри, қарашига эга бўлади. Фикр кишиси ҳамиша ўз қарашларини асослайди, керак бўлганда ҳимоя қилади, зарур бўлганда курашади. Шунинг учун юртимизда мустақил

фикрловчи шахслардан иборат баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши бунга яққол далилдир", - тарзида белгилайди. Олима ўз қарашларини давлат аҳамиятига молик расмий педагогик ҳужжатлар ҳамда илмнинг энг сўнгги янгиликлари билан асослайди. Муҳими шундаки, монографияда билдирилган бу каби ғоялар муаллиф томонидан аниқ амалий тавсиялар билан исботлаб ҳам берилган.

Дунё болаларнинг буюк дўсти, улкан эртакчи адиб Ж. Родарининг: "Агар болаларни мустақил фикрлашга ўргатмоқчи бўлсак, энг аввало, уларни эртаклар тўқишга, саргузаштлар тузишга ундаш керак. Фикрни фақат янги, аввал учрамаган, тортишувларга сабаб бўладиган масалаларга сарфлаш лозим. Зерикиш – фикрнинг душмани",- деган қарашига асосланиб бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг қатор амалий намуналарини таклиф этади.

Масалан, «Зумрад ва Қиммат» ёки «Уртўқмоқ» эртакларининг номини айтмасдан ундаги бешта таниш сўздан фойдаланиб ва бегона олтинчи сўз «вертолёт» кўмагида янги эртак тузиш вазифасини тавсия этади. ёки «очил дастурхон», «лайлак», «шум болалар», «қайнар хумча», «чол» ва бегона сўз «учар гилам» кўмагида янги эртак тўқишга ундаш ҳам болаларнинг хаёлот оламини кенгайтиришини таъкидлайди. Муаллиф таклиф этган бирор эртакни тугаган жойидан давом эттириш, қаҳрамонларнинг кейинги ҳаётини тасаввур қилишни талаб этиш каби ўқувчиларни бадиий ижодга йўналтирувчи ўта фойдали ижод тури педагогик амалиётимиз учун янгилик ҳисобланади. Ўқитувчи ёки ота-она шундай ўйин-топшириқлар ёрдамида болаларда янги нарсага муносабат пайдо қилди. Янги, бегона сўздан фойдалана билиш қобилиятини шакллантиради.

Монографияда тақдим этилганидек, эртак қаҳрамонлари характерини ўзгартириб қайта ҳикоялаш ёки уларнинг номларини алмаштириб қайта айтиб беришни талаб қилиш ҳам боғча ёшидаги болаларни янги эртак тўқишга ўргатиши мумкин. Болалар хаёлотини ривожлантиришга йўналтирувчи таниш эртак сюжети асосида янги эртак яратиш, яъни ўша қаҳрамонлар билан бошқа эртак тўқиш, хотира билан ўйнаш – сўзлар ва ҳодисаларни эслаш, синфда ҳикоячи ролини бажариш – ўйлаб топилган воқеани айтиб бериш сингари ишларни амалга ошириш ҳам болаларнинг тафаккурини чархлаши китобда ишонарли кўрсатиб берилган.

Айниқса, тақдим этилган «Нима бўларди агар...» (давоми кутилмаган саволлар) дунёда пул бўлмаса; дунёни пул



босиб кетса; Тошкент бошқа планетага тушиб қолса; сиз динозавр билан тўқнашиб қолсангиз; сиз сув ости шаҳарчасига тушиб қолсангиз; сиз парилар мамлакатига бориб қолсангиз; сиз сеҳргар бўлиб қолсангиз ва ҳоказо ғайриоддий, хаёлпарастликка ундайдиган саволлар билан болаларни ижодга йўналтириш ҳақидаги топшириқ тури болаларнинг фантазиясига эрк беради, уларнинг шахсиятини баланд қилади.

Қ. Ҳусанбоева ўқувчилардан янги топишмоқлар тўқишни талаб қилиш ҳам уларнинг ривожи учун жуда фойдали топшириқ эканлигини асослаб беради. Китобда топишмоқ тўқишда ўқувчида мантиқ ва тасаввур ҳаракатга келиши ишонарли йўсинда айтилган. Болаларнинг топишмоқларни яхши кўриши сабаби шундаки, улар болаларнинг билганларини ҳақиқатга айлантиради. Бола учун дунё сирли нарсаларга, тушунарсиз ҳодисаларга, англаб бўлмайдиган шаклларга тўла. Бола мана шу сирли оламга, билиши лозим бўлган дунёга кири-

ши, жараёнда иштирок этиши, йўналтирувчи ёки тўғридан тўғри саволлар ёрдамида топишмоқни топиши керак бўлади. Бунда билиш жараёни болалар учун кутилмаган кашфиёт шаклида содир бўлади. Боланинг олган лаззати жавоб излашда, унинг кутилмаганлигида бўлади. Ўйин давомида у машқ қилади, ақлини, хотирасини зўриқтиради, билимини пешлайди, фикрлайди, яратади.

Китобда олима таклиф этган эртакни бузиб айтиш ўйини ҳам анча жиддий ижодий ўйин экани кўрсатилган. Фақат бунинг учун аввал зарур дидактик вазиятни яратиб олиш керак. Болалар табиатан эртаклар аслининг тарафдори бўладилар. Маълумки, болалар эртакларнинг айни ўша биринчи марта эшитган сўзлар билан айтилишини истайдилар. Ўша таниш сўзларни, эртакнинг дастлабки ҳолатидаги ибораларни, ўша ҳаяжонни қайтадан туйиш, қўрқиш, ҳайратланиш, шодланишни қўмсайдилар. Шунинг учун улар сўзларни тузатишга, эртакчига воқеаларнинг аслини эслатишга уринади. Бу жараён болани ўйлантиради, безовта қилади, зийрак торттиради, излантиради, ақлини пешлайди, хотирасини зўриқтиради, мувозанатдан чиқаради. Умуман, боланинг қаҳрамонларга муносабатида ўзгариш бўлади. Бола ҳақиқий ҳаёт билан ўйлаб топилган ҳодисалар орасидаги фарқни англаб боради.

Муаллиф томонидан болаларни ижодий мулоҳаза юритишга ўргатиш борасида юқори синф ўқувчилари учун таклиф этган амалий тавсиялар ҳам диққатга сазовор. Масалан, 6-синф дарслигида Алишер Навоийнинг рубоий ва қитъалари ва улар билан боғлиқ назарий маълумотни ўтиб бўлингач, ўқувчиларга дарсликда бўлмаган бир рубоий ва қитъани тақдим этиб уларнинг жанрини аниқлашни сўраш борасидаги; 5-синф дарслигидан ўрин олган «Олтовлон ва еттинчи» афсонасидаги Гурам Жуҳадзе ва Сандро сингари қаҳрамонларга хос сифатларни, улар шахсидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни аниқлашни талаб қилиш; Зоҳир Аъламнинг "Афандининг қирқ бир пашшаси" асаридаги "қўй одам" тушунчасига ўқувчиларнинг эътиборини қаратиш ва бу борада «Қаландарнинг Одамликка қўйган мезонини сиз қандай баҳолайсиз?» деган савол ўртага ташлашни тавсия этилиши; «Равшан» достони юзасидан «Ўзбек халқининг гўзал қиз тўғрисидаги тасаввурларига ўз муносабатингизни билдиринг» деган топшириқ; "Сариқ девни миниб" асари бўйича «Муаллиф ўқувчини Ҳошимжоннинг табиати билан қандай таништиради?» (асосий савол) «Ҳошимжоннинг ташқи жиҳати, хатти-ҳаракатларида қандай белгилар кўзга ташланади?» «Унинг ўртоқлари билан муносабатида қандай хусусиятларни кўриш мумкин?», «Синглисига муносабатида Ҳошимжоннинг феълидаги қандай жиҳатлар кўзга ташланади?», «Унинг онаси билан бўлган тўқнашувида-чи?», «Ҳошимжоннинг журналга баҳоларни ўзи қўйганини тан олишини қандай баҳолаш мумкин?» сингари саволлар ўқувчиларни асар матнини мустақил равишда таҳлил қилиб, мустақил хулосалар айтишга ундайди.

Бундан ташқари, китобнинг тўртинчи бобида "Мустақил фикр хаёлпарастликдан бошланади", "Ғафур Ғулом ва мустақил фикрлаш", Чингиз Айтматов ва адабиёт дарсларида мустақил фикрлаш", "Маҳбуб улқулуб» асари асосида мустақил фикрлашга ўргатиш", "Ўқитишнинг Замонавий методлари ва адабий таълим", Алишер Навоий ва мустақил фикрлаш", "Таълимнинг замонавий технологиялари ва мустақил фикрлаш", "Шеърият ва мустақил фикрлаш" мавзуларида тавсия этилган дарс ишланмалари ўқитувчиларнинг иш фаолиятининг самарадорлигини ошишига асос бўлади.

Умуман, педагогика фанлари номзоди Қундузхон Ҳусанбоеванинг "Адабий таълим жараёнида мустақил фикрлашга ўргатиш асослари" номли китоби барча турдаги таълим йўналишлари адабиёт фани ўқитувчилари учун катта методик ёрдам беради.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
педагогика фанлари доктори, профессор
Инобат РАЖАБОВА,
катта ўқитувчи

УМИДЛАРНИНГ ТЕБРАНГАН АКСИ

Сергей Лешаков Челябинск вилоятида туғилган. Нижний — Тагильскийдаги бадиий ҳунар билим юртини, Москвадаги Максим Горький номли Адабиёт институти қошидаги Олий Адабиёт курсини тамомлаган. "Мум—шаҳар", "Кўкрак чўнтагимдаги дарахт" номли шеърий китоблари чоп этилган. Касби рассом.

меники бўлмаган
шиша дарахтда
ўта нафис куйлагувчи сим
очиляпти шаҳар — соябон

намланмаган қоғоз кўприкдан
улгурсайдинг сен ҳам ўтишга
тил очаётган замбурғлар
ҳадикни ҳис қилмас
мавҳум тилда чуғурлагувчи

шаффоф ковагидан
шиша дарахтнинг
топиб олдим шу битикларни
сенга бағишланган кечикиб

* * *

қуриётган баҳор дарахтин
кўкрак чўнтагимда
олиб юрдим мен
сен эса
булутлар зинапоясидан
кўтарилганча
кетиб қолдинг сабо шаҳрига
ёнма-ён ўтдик сўз овулидан
бир пайтлар гул бўлганман
сен ҳам гул эдинг

* * *

шеър эсга олади
болалик кунларини
ва излар сўз тугмаларини
кўз ёш тўкаяпти
майсадаги маъсум бўёқлар
уйқусида қиёфаси алмашган
аёл сингари

* * *

кузги уйлардан
дераза барглари тўкилаяпти
акси тўхтаган сувда сўзларнинг
қуш сўзлар ва булут сўзлар
йўқликдан яралган йўқлик
кетаяпти қиш йўлагидан
юрагинг ичкарисини
кашф қилиш учун
қўл тегмаган қалбингда
шуъла сочар дон зарралари
борлиқнинг эртаси қуёш

* * *

гуллар териб юрар
парвоздаги қуш
одамларнинг нигоҳларидан
олманинг товуши
сукунат сандиғига
солинган калит

намозшомги юракка
тўкиляпти ғам гулбарглари
кунботарнинг руҳ мажозига
осмон саҳнасида
булутларнинг қирмиз имоси

* * *

маҳобатли ҳаво шарида
шаҳар учиб кетди
унинг болалиги кечган жойларда
ёлғиз қолдим мен
бетон гул каби
бошимдаги гулханни
ушлашим учун

* * *

лайлак — тун фонуси
олис ўлкаларга учиб кетолмас
қиш тунининг узунлиги бўйлаб
сени кутаяпман юрагимда тушлар
орзуларинг чеҳраси эса
асирликда қолиб кетяпти
уфқ ёнбошида одамлар
шамол изтироби — сизиф
бундай бўлмас сира
асрлар сирғалар кафтимда
шаҳар аччиқ тош

* * *

чиғаноқ — кўланка
тирноғимда ором оляпти
томирларим бўйлаб
санқиб юрар тириклик
шамнинг ёзга сафарин пуфлаб
ёзяпман куз ҳарфларини
товушки
тўкилмайди оппоқ қоғозга

* * *

ёз — умидларнинг тебранган
акси
қорамтир лабидан ўпар ернинг
вақт
юрагимда шаҳар муҳрини
тўлдиради япроқлар изи
тил тушуна бошладим қайтадан
олис юлдузлар тили — қушлар
яна юрагимга қўнишган
инсон шам — яқинлатар ўзига
инсон — капалак
бегона ўрмон
сурилади менинг ҳаддимга
бехосдан кўргандай
болалик парвозини мен билан

* * *

булутларнинг ҳарир интизорлиги
узоқ суҳбат майсалар билан
сукунат пойгаси тонгги шуълада
уфқда ҳилпирайди
юракнинг дийдор нуқталари

атрофингда гуллар
ҳурлик табиати
гўё ўрмон меваларидай
қуёш билан лиммо-лим тўлган

кун тасвирга эврилди
оқ елкан қаватида
кўринмайдиган
юз бермайдиган

Рус тилидан Гўзал БЕГИМ таржималари

УЧРАШУВ

ёхуд бир муҳаббат тарихи

Болалар учун мактаб бозорига тушиб ўқув қуроллари харид қилдим. Автобусда уйга қайтаётиб ҳамма нарсани олдимми-йўқми, дея хаёлга чўмиб қолибман. Шу пайт менга тикилиб турган бировнинг ўткир нигоҳи вужудимни ёндиргандек бўлди. Ўша томонга қайрилиб қарадиму...

Чамаси бундан саккиз йиллар аввал эди. Кўричак бўлиб касалхонага тушиб қолдим. Кунларнинг бирида кечки томон йўлакдан бақир-чақир эшитилди. Беихтиёр қизиқиб овоз келаётган томонга қарадик. Икки санитар тиббий аравада бир йигитни жарроҳлик хонасига ошиғич олиб кириб кетишди.

Маълум бўлишича, йигитнинг исми Тўлқин бўлиб, дўстлари билан маишатхўрликда бўлган. Улфатлар ўзаро жанжаллашиб қолишган ва ширакайф Тўлқин ўзича нимanидир исботлайман деб, чап қўлининг томирини кесган.

Эртаси тушликдан қайтаётиб уни дераза олдида хомушгина ҳовлига тикилиб турган ҳолатда учратдим. Шўхлигим тутиб «гап отдим»:

— Ҳа, «тўполончи», тузукмисиз?

— Салом... Узр, мастликда. Кеча ўзим билмаган ҳолда ҳамманинг тинчини бузибман, жуда ҳижолатдаман. Бугун эрталаб ҳамхоналарим кўрсатган «томоша»ларимни айтиб бериб, роса кулишди. Рости, жуда уялдим..

Уни ҳижолатдан қутқарган бўлдим:

— Бекорга йигитларни «жўжахўроз»га ўхшатишмас экан. Ўзича бир нарсани исботлаш йўлида нималар қилишмайди-я...

Гап гапга уланиб, «тўполончи» аслида камсуқум йигит бўлиб, ўтиришда меъёридан ортиқ ичиб қўйганлиги туфайли кўп гапириб юборганлиги маълум бўлди. Унинг қайсидир корхонада ҳайдовчи бўлиб ишлашини ҳам билиб олдим.

Шундан сўнг, Тўлқин би-



лан йўлакда ёки ҳовлида кўришиб қолганимизда салом-алик қилиб юрдик. Даволаниб бўлгач, ҳамма уй-уйига кетди.

Ўша вақтда «Ботаника боғи»да лобарант бўлиб ишлардим. Бир куни, не кўз билан кўрайки, идорамиз олдида Тўлқин турибди.

— Салом, «тўполончи», — ҳазиломуз саломлашган бўлдим.

Тўғриси, Тўлқиннинг бу атрофда ўралашиб юриши мени ҳайрон қолдирган эди. Сир тагига етмоқчи бўлганимдан унга саволомуз тикилдим. Тўлқин бир оғиз сўзсиз қўлимга бир парча қоғоз тутқазди. «Мен ҳеч бир қизга хат ёзмаганман... Сизни севиб қолдим... Мени уйдагилар уйлантиришмоқчи... Илтимос, менга турмушга чиқинг!».

Хатни ўқиб, кулиб юбордим.

— Ғалати экансиз-ку. Ўзи бир-икки марта гаплашганмизми, йўқми, салом-аликдан нарига ўтмаганмиз ҳам. Ҳали, бир қарашда севги денг, — бироз жим турдимда, кескин жавоб қайтардим. — Хафа бўлманг, сизга турмушга чиқиш менинг хаёлимга ҳам келмаган.

Тўлқин лов этиб қизариб кетди.

Шу-шу уни қайта кўрмадим.

Нега энди ўйламай-нетмай Тўлқинга рад жавобини бердингиз дерсиз? Бу менинг йигитларга нисбатан қасосим эди...

Мактабни битириб, институтга талаба бўлиб кирган кезларим Рустам деган йигитни ўзимча севиб қолгандим. Аслида Рустамнинг ўзи менга дўстлашишни таклиф этганди. Маълум вақт ўтгач, Рустам бошқа қизга илакишиб кетди.

Рустамнинг хатти-ҳаракати менга қаттиқ таъсир этганди. Охир-оқибат, севги нафратга айланди. Шундай нафратга айландики, менга севги изҳор этган ёки менга нисбатан эътиборсиз эмаслигини билдирган ҳар қандай йигитга, келган кўчасини кўрсатиб қўядиган бўлдим. Ўзимча шу тариқа уларнинг устидан кулар эдим...

Автобусда менга тикилиб турган кимса ўша, «тўполончи» Тўлқин эди. Буни қаранг-а, ким ўйлабди дейсиз, орадан йиллар ўтиб шу тариқа учрашиб қоламиз деб. Қўлида икки ярим ёшлар чамаси қизча. У менга шундай тикилардики, назаримда ўзлигини унутиб қўйгандек. Орадаги жимликни ўзим бузишга қарор қилиб, салом бердим.

Тўлқин саломимга жавоб ҳам қайтармай, менга тикилиб тураверди. Хижолатпазликдан қутулиш учун яна сўрадим:

— Яхшимисиз? Бу ким? — қўлидаги болага ишора қилдим.

Ниҳоят Тўлқин тилга кирди:

— Ўшанда сиз менга рад жавобини берганингиздан сўнг, жаҳл билан ойим кўрсатган қизга уйландим. Турмушимиз ёмон эмас, бу иккинчи фарзандимиз...

Тўлқин гапирарди-ю, хаёли бошқа жойда, назаримда худди ҳозир йиғлаб юборадигандай туюларди.

— Бахтли бўлинглар. Мен ҳам турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим инженер. Икки нафар фарзандимиз бор, ўғил ва қиз.

Тўлқин яна бояги-боягича жимгина тикилиб тураверарди...

Бекатига яқинлашдик шекилли, ўрнидан туриб менга яқинроқ келди:

— Барно, сизни бекор учратиб қолдим.

Тўғриси, унинг бундай дейиши мен учун кутилмаган ҳол бўлди.

— Бекор сизни учратдим, — яна ўша сўзларни қайтарди Тўлқин. — Энди нима қиламан, буёғига қандай яшайман. Сизни эндигина унута бошлагандим. Ишонинг, анча йиллар хотинимнинг қиёфасида сизни кўриб яшадим. Сиз ёнимда йўқлигингизга энди кўника бошлагандим... Сизни учратмаслигим керак эди...

Шу сўзларни айтиб Тўлқин бекатда тушиб қолди. Автобус ўрнидан қўзғаляптию, у турган жойидан жилай демасди. Алланечук бўлиб кетдим. Кейин... Кейин унинг кўзларидан икки дона томчи ёш думалаб тушаётганини кўрдим...

Дилором
ХУДОЙБЕРГАНОВА

«ИЖТИМОИЙ ИДЕАЛ

Инсон ўзининг олий мавжудот эканини англаганидан бери ён-атрофини ўзлаштириш ва ўзгартириш, бахтли ва фаровон ҳаёт қуриш ғоялари унда ижтимоий идеални шакллантиришга хизмат қилиб келади.

"Ижтимоий идеал" фалсафа, этика, социология фанларига оид тушунчадир. Унинг талқини, инсон ҳаётидаги ижтимоий моҳияти Афлотун асарларидаёқ кўзга ташланади. Шарқ фалсафасида эса ижтимоий идеал ғоялари дао-конфуцийликнинг "олижаноб эр", буддавийликнинг азоб-уқубатлардан холи макон — "нирвана" ва ислом таълимотининг "идеал подшоҳ", "идеал давлат", "фозил одамлар шаҳри" каби ижодий қарашларида намоён бўлади. Ушбу фалсафий ғояларда идеални реал ҳаётга жорий этиш амали асосий мақсад ҳисобланган эди. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ижтимоий идеал — идеал жамият, идеал тузум, идеал инсон ҳақида фикр юритиш, бу борада турли назарий концепция-ларни илгари суришга ҳаракат қилганлар.

Яқинда "Фалсафа ва ҳуқуқ" нашриётида Саида Аъзамхўжаеванинг "Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт" номли монографияси чоп этилди. Монографияда "ижтимоий идеал" тушунчаси таҳлил қилинган, жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий, маънавий-ахлоқий ва эстетик ғояларнинг кишилар онгига, энг аввало, уларнинг келажак ҳақидаги тасаввурларига, идеал ҳақидаги қарашларига таъсири масалалари кенг қамровда ёритиб берилган.


Ўзбек тадқиқотчилари ке-йинги йилларда маънавият масалаларини ўрганишга жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Уларнинг маънавият ва миллий қадриятлар, баркамол инсон ва маънавий маданият, миллий уйғониш ва маънавий мерос, оила ва маънавият муаммолари бўйича чоп эттирган асарлари нафақат она тилимизда, балки инглиз, француз, немис, араб, рус тилларига ҳам ўгирилаётгани фахрифтихор туйғуларини уйғотади. Ушбу асарлар қаторидан С. Аъзамхўжаеванинг монографияси ҳам муносиб ўрин олишидан умидвормиз.

Монографияда давримизнинг энг долзарб масаласи бўлган ижтимоий идеалнинг Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги талқинлари очиб берилган бўлиб, муаллиф муаммога тегишли махсус адабиётлардаги фалсафий-назарий қарашларни атрофлича таҳлил қилади. Буюк аждодларимизнинг "Фозил одамлар шаҳри" (Мадина ал-ахёр), "Маънавий етук Шаҳар" (Мадина ал-Руҳайниа), "Адолатли Шаҳар" (Мадина ал-Адл), "Етук Шаҳар" (Мадина-ал-Комил), "Эзгу шаҳар" (Мадина ал-Фадил) каби фалсафий-утопик қарашлари ижтимоий идеал сифатида қаралади. "Ислом фалсафасида, — деб ёзади муаллиф, — ижтимоий-фалсафий ғоялар, жамиятни такомиллаштиришга қаратилган идеал лойиҳалар, тасаввурлар ҳам мавжуддир.

Ҳақиқатан ҳам Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Туфайл, Ибн Боджа, Ибн Рушд, Фирдавсий, Ибн Халдун, Низомий Ганжавий, Давоний, Жомий, Алишер Навоий, Кошифий, Мирзо Бедил, Аҳмад Дониш асарларида Шарқ халқларининг идеал жамият, фаровон ҳаёт, бахтли келажак ҳақидаги ғоялари ўз аксини топган".

Монографияда Ғарб фалсафасидаги "етук жамият", "бахтиёр ҳаёт", ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик, экзистенциализм ва структурализм, конвергениия, "умумжаҳон ҳукумати", информациион жамият, фуқаролик жамияти сингари назарий-фалсафий концепциялар замонавий нуқтаи-назардан таҳлил қилинган, улардаги идеал тасаввурларга, образларга хос жиҳатлар очиб берилган. Ушбу ижтимоий-фалсафий концепциялардан ва Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлларидан келиб чиқиб ижтимоий идеалга "инсоннинг онги, тафаккури, гносеологик изланишларига оид воқелик", ижтимоий борлиқни янада такомиллаштириш ҳақидаги образи, мақсади, гипотетик тасаввурлари, деб таъриф берилади. Ижтимоий мураккаб воқелик унга тизимли-функционал ёндашишни тақозо этган. Бундай ёндашув тадқиқот объектининг ички хусусиятларини ва ижтимоий борлиқ билан алоқаларни чуқурроқ англашга, ёритишга имкон берган.

Ижтимоий-сиёсий идеал адолатли давлат қуриш, бахтли ва фаровон ҳаёт, инсонпарвар жамият барпо этиш билан боғлиқ тасаввурдир. Аслида ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ҳар қандай ғоя ушбу ижтимоий-сиёсий идеалларни чеклаб ўта олмаган. Монографияда келтирилган ва таҳлил қилинган ғоявий тасаввурлар кишилик жамияти мудом маълум бир ижтимоий-сиёсий идеалларга талпиниб келганини кўрсатади. Тўғри, бу идеалларга етиш осон эмас, ҳатто уларга етган жами-



ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ»

ят бўлганини тарих билмайди, аммо кишилар келажагини идеалларсиз тасаввур қилишмаган. Айнан ижтимоий идеаллар кишиларни, халқларни ўз Ватани учун душманларга қарши курашга, зўравонликка қарши чиқишга, дин ва маънавий бойликлар яратишга ундаган.

Ижтимоий-ахлоқий идеал инсонни, инсондаги олижаноб фазилатларни, инсонийликни улуғлашдир. Комил, баркамол инсон ғояси аслида ижтимоий-ахлоқий идеал ифодасидир. Монографияда ушбу идеалнинг белгилари, хусусиятлари, жамиятни инсонийлаштиришдаги аҳамияти тадқиқ қилинади. Инсон ижтимоий-ахлоқий идеалга етишиши мумкин. Муаллиф Шарқ мутафаккирларининг муаммога оид фикрларини ўрганиб ахлоқий етуклик реал воқеликдир, ўз маънавияти, одоби, меҳр-мурувватлилиги, эзгу амаллари туфайли киши ижтимоий-ахлоқий идеалга етишиши мумкин, деган хулосага келади. Халқимизнинг ажойиб буюк фарзандлари ватанпарварлиги, элпарварлиги, эзгуликни улуғлаши, меҳнатсеварлиги, адолатпарварлиги, бағрикенглиги муаммони аниқ мисоллар асосида тадқиқ этишга имкон берган. Шу билан бирга муаллиф ижтимоий-ахлоқий идеал ҳам шахсни ўз устида тинмай ишлашини, инсоният яратган маънавий бойликларни ўзлаштириши зарурлигини таъкидлайди. Идеал қанчалик олижаноб, эзгу амалли ва инсонпарвар бўлса, шахс ҳам ана шу фазилатлар билан яшашни ҳаётий мақсадига айлантиради. Демак, шахснинг танлаган ижтимоий идеали унинг ўзи, келажаги, ҳаётий мақсади ҳақидаги тасаввурларидир.

Монографияда бадиий-эстетик идеал ва унинг шахс маънавий ҳаётига таъсири масалалари тадқиқ этилган. Муаллиф шундай ёзади: "Бадиий-эстетик идеал негизида оламни билиш, мавжуд ҳаётни такомиллаштириш, гўзаллаштириш, тараққиёт йўлларини англаш ёки кўрсатиб бериш ғояси ётади. Шу тариқа ижтимоий-маънавий борлиқ бадиий-эстетик идеалнинг объектига айланади". Ҳақиқатан ҳам, халқ оғзаки ижоди, мусиқа, амалий санъат, рақс, бадиий ижод, тасвирий санъат кишиларда эмоционал муносабатлар уйғотади. Гўзалликнинг ўзи бадиий-эстетик идеалга айланади ва киши руҳини, онгини бойитади. Буюк санъаткорлар, ижодкорлар ҳаёти, улар яратган бетакрор асарлар фахр тимсоли вазифасини бажаради. Айнан ушбу психологик таъсир кучига эга бўлгани учун адабиёт ва санъат бетакрор идеалларга талпиниб яшаш туйғусини шакллантиради. Муаллиф ўзбек халқига яқин санъаткорлар ҳаётидан ибратли мисоллар келтириб, уларни бадиий-эстетик идеаллар даражасига кўтаради. Бу тадқиқотга миллий ёндошишни кучайтирган ва назарий-фалсафий фикрларни реал ҳаётга, воқеликка боғлаган.

Монографиядаги энг муҳим жиҳат шундаки, унда Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат, баркамол авлодни тарбиялаш ижтимоий идеаллар сифатида қаралган. Муаллиф ижтимоий идеалга социодинамик воқелик сифатида қарайди. Шунинг учун мустақилликка эришгач халқ, миллат ижтимоий идеаллардан воз кечмайди, балки улар энди янги идеаллар яратадилар. Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ана шундай янги идеаллардир. Жамият ва баркамол авлоднинг шаклланиши ижтимоий тараққиёт қонунларига мос келадиган идеалларни танлаш, уларни ҳаётий мақсадига айлантириб олийжаноб ғояларга, тасаввурларга, тимсолларга интилиб яшашдадир. Саида Аъзамхўжаеванинг монографияси ана шундай олижаноб мақсадни ёшларимиз маънавиятига, қалбига сингдириш йўлларини очиб бергани учун ҳам назарий-фалсафий, ҳам ижтимоий-амалий нуқтаи назардан қимматлидир.

Х. ШАЙХОВА,
фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

— Тонг саҳарда соатнинг қўнғироғи менга худди ўқ отилгандек таъсир қилади.

— Шунда сакраб туриб кетсанг керак?

— Йўқ! Худди ҳалок бўлгандек ётавераман.

☺ 😐 ☹

— Сиз нима учун қўшнингизни калтакладингиз?

— У "ҳар қандай оилада битта ярамас бўлади" деб айтди!

— Хўш бу гапнинг нимаси ёмон?

— Мен бир ўзим яшайман!

☺ 😐 ☹

Газетага "Яхши терадиган оператор керак" деб эълон берилди:

— Қабулга бир қиз келиб мен 1 дақиқада 4400 та ҳарф боса оламан, деб ўзини таништирибди.

Бу хабар тезда таҳририятга тарқалиб кетди. Бу гапни эшитган муҳаррир дарровгина қизни қабул қилди.

— Хўш 1 дақиқада шунча ҳарфни қандай қилиб боса оласиз, — сўради муҳаррир.

Шунчаки, ўзимча клавятурани босиб ташлайман, — деб жавоб берди қиз.

☺ 😐 ☹

Бир одам дўстидан сўради:

— Хотин зоти билан жонсиз радиоприёмник ўртасида қандай фарқ бор?

— Фарқи катта. Радионинг қулоғини бурасанг овози ўчади, аёл кишида эса бунинг акси бўлади.

☺ 😐 ☹

Бошлиқ ходимига танбеҳ беряпти:

— Машинангиз бўлатуриб кеча нега ишга кеч келдингиз?

— Хотинимнинг тоби қочганди, дўхтирга олиб бордим.

— Арзимаган нарсага ҳам меҳнат интизомини бузаверасизми? Хўш, бугунчи?

— Бугун хотинингизни бозорга олиб борувдим.

— Ҳмм, узрли сабаб бўлса бошқа гап...

☺ 😐 ☹

— Профессор, сиз хотинингизни урар экансиз. Ростми?

— Ёлғон. Мен профессор эмасман.

☺ 😐 ☹

Бахт пулларда эмас — ўн миллион доллари бор одам тўққиз миллион доллари бор одамдан кўра бахтлироқ бўлиши мумкин эмас...

☺ 😐 ☹

Ўқитувчи ўқувчига мурожаат қилиб, деди:

— Олимжон, Колумбнинг саёҳати тўғрисида гапириб бер.

— Хўш... Колумб қаерга сузиб борганини билмас эди. Уйига қайтганида эса қаердан сузиб келганини билмаган...

НИГИНА тайёрлади



Тошкент —

ислом маданияти пойтахти



Nihol mukofoti sovrindori

Lola Ahmedova

Tun 4605

Guliston

Indeks: yakka obunachilar uchun — 820
tashkilotlar uchun — 806
Bahosi : kelishilgan narxda.





